6 МАР 1990

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 55 (20. 622) • 1990 йил 6 март, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

• Чорвачилик: янги муносабатлар

МАҚСАД — МАҲСУЛОТНИ КЎПАЙТИРИШ

● Нукус районидаги бир қатор совхозларда чорва маҳсулотларини кўпайтиришнинг янги имкониятлари очилди. Хўжаликларда деҳкон оилаларидан фермер хўжаликлари ташкил қилинмоқда.

Ҳозирнинг ўзида районда 49 та фермер хўжалиги тузилди. Ҳар бир оилавий хўжаликда 14—30 тадан сигир бор. Сигир сотиб олишлари учун давлат ва совхозлар ҳисобидан уларга ссуда ҳам берилмоқда.

«Партия XXVII съезди» совхозидан П. Хўжанов, «Коммунизм» совхозидан Б. Тўраев. Тельман номли совхоздан Б. Жумабоева, «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозидан О. Отамуродов бошлиқ оилавий хўжаликларда кунига 70—80 килограммдан ошириб сут соғиб олинмоқда. Умуман райондаги фермер хўжаликлари ҳар куни давлатга 1500—1650 килограммдан ошириб сут топширишмоқда. Ҳадемай бу кўрсаткич кунига 2,5—3,5 мартага кўпаяди. Йил охирига бориб фермер хўжаликлари сони 200 тага етказилади. Фермерларнинг иш унумини ошириш учун уларга қарамоғидаги ҳар икки бош сигирга 1 гектардан ер ажратиб берилмоқда. Хўжаликлар зарур техникавий ёрдам кўрсатишаётир.

Нукус районида чорвачиликда оилавий пудрат усулини жорий этиш тажрибасини оммалаштириш мақсадида бу ерда семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Семинар-кенгашда Кегайли, Чимбой, Қораўзак, Тахтакўпир ва бошқа қатор районларнинг партия, совет, хўжалик раҳбарлари, чорвачилик мутахассислари иштирок этдилар.

Ҳозир Қорақалпоғистон Автоном республикаси колхоз ва совхозларида 800 дан кўпроқ фермер хўжаликлари ишлаб турибди. Бу эса аҳолини чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашдек жиддий вазифани ҳал этиш имконини бермоқда.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТЎҒРИ ЙЎЛ ТАНЛАНГАН

◆ 4 март, Москва шаҳар Октябрь районидаги Москва шаҳар ва Октябрь район Советларининг РСФСР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи 11/311-сайлов участкаси. Бу ерга М. С. Горбачев оила аъзолари билан овоз бериш учун келди.

Давлат бошлиғининг қисмати ҳамиша ва ҳамма ерда мана шундай диққат марказида бўлади. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Раисининг бу ерга келишини кўпдан-кўп совет ва ажнабий мухбирлар кутиб туришар эди.

Михаил Сергеевич бюллетенларни қутига ташлаши биланоқ овоз бериш жойидаёқ ўзига хос матбуот конференцияси бошланиб кетди ва у қўшни хонада давом этди. Бу ерда СССР Марказий телевидениесининг саволларига жавоблар қайтарилди.

Михаил Сергеевич саволларга жавоб қайтариш учун тўхтаб-тўхтаб эшикка яқинлашар экан, турли мамлакатлар оммавий ахборот воситаларининг намояндалари галма-гал ташаббусни қўлга олиб, унга савол ёғдиришарди.

Кўчада эса, худди буюртма берилганидек, баҳор ҳавоси анқиб турар, бу ерда ҳам журналистлар мунтазир эдилар. «Марҳамат қилиб, биз томон, сўл тарафга келинг!» — деган овозлар бир томондан эшитилса, иккинчи томондан «Биз томонга — ўнгга юринг!» — дейишар эди.

«Умуман, мен марказдан юраман», деди кулиб ва қўли билан дарвозани ишора қилиб М. С. Горбачев. Аммо у шошмасдан, навбатма-навбат ўнг ва сўл тарафларга борди.

Қизғин гурунг бўлди. Бу гурунг жамиятимиз турмушининг энг долзарб муаммоларига зўр қизиқишни ифодалар эди. Қизғин мунозаралар, жўшқин эҳтиросларнинг кимнингдир ҳафсаласини пир қилса, кимнингдир, аксинча, умидини оширар эди.

СССРда президент лавозимининг таъсис этилиши энг кўп тилга олинган мавзулардан бири бўлди. М. С. Горбачев башарти, Олий Советда кўриб чиқилган таклифлар СССР халқ депутатлари Съезди томонидан маъқулланса, СССР Конституциясининг моддаларига биноан президентликка номзод қандай қилиб кўрсатилиши ва сайланишини тушунтириб берар экан, шу лавозимга ўз номзодингиз кўрсатилиши эҳтимолига ўзингиз қандай қарайсиз, воз кечасизми ёки йўқми, деган саволга ҳам жавоб қайтарди.

Воз кечмайман, деди у. Ҳозирги вақтда мен ўз вазифамдан воз кеча олмайман. Аммо ҳал қилиш — халқнинг иши.

Сўнгра у президент лавозимининг жорий қилиниши демократик жараёнларни, маҳаллийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш, уларни мутаносиблик омили билан мустаҳкамлаш имконини беради, деб қўшиб қўйди.

Унда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари лавозими нима бўлади, деб сўрашди. Бу лавозимга ва партия билан боғлиқ бўлган ҳамма масалаларга келганда, уларни XXVIII съезд ҳал қилади, деди сўзини давом эттириб Михаил Сергеевич.

— Сиз съездга демократик Ҳаракат дастурига қўшиласизми?

М. С. Горбачев: Биласизми, бу ҳаракат дастурини ўртоқларимиз, партиянинг тақдири ҳақида фикр-мулоҳаза юритаётган коммунистлар таклиф қилганлар. Иккала ҳаракат дастурида ўхшашликлар кўп. Бир қанча принципиал тафовутлар ҳам бор. Назаримда, фракциялар ҳақидаги мулоҳазалар хусусида гап борганида тафовут бор. Биз КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастурига демократик централизм принципининг ўзини қайта идрок қилиш лозим, деб ёзиб қўйдик. Партияни демократия қоидалари асосида қайта қуришга асосий эътибор бермоқдамиз ва шундай қилишимиз керак. Энг муҳими — мана шу. Шу маънода партия бутун жамиятга намуна кўрсатиши керак. Аммо бу муқобиллик асосидаги ҳаракат дастурлари кўрсатилиши ҳам мумкин бўлган демократизмни назарда тутади, бунда позициялар таққосланади, партиявий мунозаралар бўлади. Кейинги ўн йиллик давомида бундай бўлмаган эди. Ҳатто партия турмуши ва фаолиятининг турли жиҳатлари юзасидан савол-жавоблар, референдумлар ўтказилиши ҳам мумкин.

Бошланғич партия ташкилотларининг ҳуқуқларини кенгайтиришда район бўғинларида демократизм пайдо бўлганлиги, айниқса, муҳимдир. Чунки район бўғинлари жойларда, одамларнинг ёнгинасида иш олиб борадилар. Бу — энг туб бурилиш бўлади. Бу ўринда ихтилофлар йўқ.

Бироқ биз, бизнинг концепциямиз, ҳамон ленинчи пешқадам партия позицияларида эканлигимиз хусусида ихтилофлар бор, демократик Ҳаракат дастурида эса парламент типидаги партия ҳақида гапирилади. Ихтилофлар мана шундан келиб чиқмоқда. Энг муҳими ҳам мана шу. Парламент типидаги партия бошқача партия бўлади. Унинг иш шакллари ва усуллари ҳам бироз бошқача бўлади.

Сирасини айтсам, мана шуларнинг ҳаммаси коммунистларга турли ёндашувларни муҳокама қилиш, чамалаб кўриш ва съездга мароқли фикрлар билан бориш имконини беради. Мана шунинг ўзи ҳам қайта қуришнинг ютуғидир.

— Партиянинг парчаланиши учун сабаблар борми, сиз нима деб ўйлайсиз?

М. С. Горбачев: Мен чуқурроқ сабабларни кўрмаяпман. Айрим гуруҳлар томонидан қандайдир манфаатпарастлик даъволари пайдо бўлган тақдирда ҳам буни парчаланиш деб бўлмайди. Аксинча, партияда ўртоқлик, янгиланган партия принципларида уни мустаҳкамлаш, жипслаштириш кайфияти кучаймоқда.

— Сайловда Компартия асосий кўпчилик овозни олишига ишонасизми? Овозларнинг қанча фоизини олишга умид қиляпсиз?

М. С. Горбачев: Овоз натижалари юзасиданми? Коммунистларнинг кўпгина вакиллари сайловда муваффақият қозонади, деб ўйлайман. Аммо мен коммунистларни партиясизларга қарама-қарши қўймаган бўлур эдим. Мен уларнинг кўпроқ яқинлашувида маъно бор,

(Давоми иккинчи бетда).

ЕРГА МЕҲР

«Марра — 22 центнер» — Поп ноҳиясидаги «Навбаҳор» совхози пахтакорларининг аҳди ана шундай. Бу йил 2700 гектар майдонга барака уруғи қадалади. Беш йилликнинг якунловчи йилида ҳар гектар ердан 18 центнердан «оқ олтин» олишга қарор қилинган эди. Ўз имкониятларини ҳисоблаб чиққан миришкорлар ҳосилдорликни 22 центнерга етказишни мўлжалламоқдалар.

Ерга меҳр қўйган деҳқонлар айни кунларда экиш мавсумига пухта ҳозирлик кўришаётир. Техника ремонти қисқа муддат ичида ўтказилди. Экиш воситаларини кузги-қишки мавсумда сақлаш шароитлари яхшиланганлиги туфайли бу соҳада муваффақиятга эришилди. Барча экинтикиқ воситалари мавсумга тахт. Техника қисмларининг тақчил турлари ҳам сифатли ремонтдан чиқарилди. Деҳқонлар ер шароитини ҳисобга олиб, ўзлари танлаган чигит навини экиш ниятидалар.

Суратда: хўжалик раҳбари Акрамжон Эшпўлатов (ўртада) созловчи Акрамжон Аҳмедов ва Абдужалил Маҳмудов билан техника сифати ҳақида суҳбатлашмоқда.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси

3 март куни Кремлда М. С. Горбачев раислигида СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлди.

СССР Олий Советининг топшириғига биноан Олий Совет Президиуми СССР Олий Совети комитетларининг ва Олий Совет палаталари комиссияларининг СССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда СССР Конституциясига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси юзасидан таклифлари, мулоҳазалари, киритган аниқликларини кўриб чиқди, бу Қонун лойиҳаси СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари Съезди муҳокамасига қўйилади.

Мажлисда шу масала юзасидан иш гуруҳининг раҳбари, СССР халқ депутати, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти В. Н. Кудрявцев нутқ сўзлади. СССР Олий Советининг Президиуми Қонун лойиҳасини маъқуллади. Лойиҳа матбуотда эълон қилинади.

Мажлисда СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съездини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган бошқа масалалар кўриб чиқилди ҳамда тегишли комиссия тузилди.

Мажлисда СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси Р. Н. Нишоновнинг ахбороти тингланди ҳамда СССР Олий Советининг «Озарбайжон ССР ва Арманистон ССРдаги аҳвол ҳамда бу региондаги вазиятни нормаллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори лойиҳаси муҳокама қилинди. Лойиҳани Олий Советнинг яқин орада ўтказиладиган мажлиси муҳокамасига қўйишга қарор берилди.

СССР Олий Совети Президиуми Арманистон ССР халқ депутатларига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг Озарбайжон ССР Тоғли Қорабоғ автоном области территориясида Арманистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи сайлов округларини тузиш билан боғлиқ бўлган ҳатти-ҳаракатларини ғайриқонуний деб топди, чунки бу ҳатти-ҳаракатлар СССР Конституциясининг 76-моддасига зиддир. Шу моддага биноан иттифоқдош республика фақат ўз территориясида давлат ҳокимиятини амалга оширади.

Мажлисда давлат турмушига оид бошқа баъзи масалалар ҳам муҳокама қилинди.

(ТАСС).

СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съездига

ЛОЙИҲА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг КОНУНИ

СССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда СССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Конституцион тузумни, гражданларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш, СССР давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг баҳамжиҳат бўлиб ишлашини яхшилаш, мамлакатда амалга оширилаётган чуқур сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларнинг янада ривожланишини таъминлаш мақсадида СССР халқ депутатлари Съезди **қарор қилади:**

1. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти лавозими таъсис этилсин.

Шу муносабат билан СССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1. СССР Конституцияси қуйидаги мазмундаги янги 15-боб 1-банд билан тўлдирилсин:

«15-боб. 1-банд. СССР Президенти.

127-модда. Совет давлатининг — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг бошлиғи — СССР Президентидир.

127-модда. 1-банд. СССР Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган ва олтмиш беш ёшдан катта бўлмаган СССР граждани сайланиши мумкин. Бир кишининг ўзи икки муддатдан ортиқ СССР Президенти бўлиши мумкин эмас.

СССР Президенти СССР гражданлари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади.

Умуман, СССР Иттифоқи бўйича ва кўпгина иттифоқдош республикаларда овоз беришда қатнашган сайловчилар овозларининг ярмидан кўпини олган номзод сайланган ҳисобланади.

СССР Президентини сайлаш тартиби СССР Қонуни билан белгиланади.

127-модда. 2-банд. СССР Президенти ўз лавозимини ижро этишга киришиш чоғида СССР халқ депутатлари Съездининг мажлисида қасамёд қилади.

127-модда. 3-банд. СССР Президенти:

1) Совет гражданларининг ҳуқуқлари ва эркинликларига, СССР Конституциясига ва қонунларига риоя этилишининг кафили бўлади;

2) СССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг суверенитетини, мамлакатнинг хавфсизлиги ва территориал бутунлигини муҳофаза қилиш, СССРнинг миллий-давлат тузилиши принципларини рўёбга чиқариш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўради;

3) Мамлакат ичкарисида ва халқаро муносабатларда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи номидан вакиллик қилади;

4) СССР давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг баҳамжиҳат ҳаракат қилишини таъминлайди;

5) СССР халқ депутатлари Съездига мамлакатнинг аҳволи тўғрисида ҳар йили маълумотлар тақдим этади. СССР Олий Советини СССРнинг ички ва ташқи сиёсати энг муҳим масалаларидан хабардор қилади;

6) СССР Олий Советига СССР Министрлар Советининг Раиси, СССР Халқ назорати комитетининг Раиси, СССР Олий судининг Раиси, СССР Бош прокурори, СССР Бош давлат ҳаками лавозимларига номзодларни тақдим этади. Сўнгра эса шу мансабдор шахсларни СССР халқ депутатлари Съездига тасдиқлаш учун тақдим этади; мазкур мансабдор шахсларни вазифасидан озод этиш тўғрисида СССР Олий Советига ва СССР халқ депутатлари Съездига тақдимномалар топширади;

7) СССР Олий Совети олдига СССР Министрлар Советининг истеъфога чиқиши тўғрисидаги ёки унинг истеъфосини қабул этиш ҳақидаги масалани қўяди; СССР Министрлар Советининг Раиси билан келишиб, СССР ҳукуматининг аъзоларини лавозимидан озод қилади ва тайинлайди, кейинчалик СССР Олий Советининг тасдиғига тақдим этади;

8) СССР халқ депутатлари Съездига СССР Конституцион назорат комитети таркибига киритиладиган кишилар тўғрисидаги таклифларни тақдим этади;

9) СССР Қонунларини имзолайди; Қонунни ўз эътирозлари билан камида икки ҳафта муддат ичида такрорий муҳокама қилиб, овозга қўйиш учун СССР Олий Советига қайтариб юборишга ҳақлидир. Агар СССР Олий Совети палаталарнинг ҳар бирида овозларнинг учдан икки ҳиссасидан иборат кўпчилик билан илгари қабул этилган қарорни тасдиқласа, СССР Президенти Қонунни имзолайди ёки масалани СССР халқ депутатлари Съездининг муҳокамасига қўяди.

10) СССР Министрлар Советининг қарорлари ва фармойишлари амал қилишини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эгадир;

11) давлат органларининг мамлакат мудофаасини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб туради; СССР Қуролли Кучларининг Олий бош қўмондони ҳисобланади, СССР Қуролли Кучларининг олий қўмондонлигини тайинлайди ва ўзгартиради, олий ҳарбий унвонларни беради, ҳарбий трибуналларнинг судьяларини тайинлайди;

12) музокаралар олиб боради ва СССРнинг халқаро шартномаларини имзолайди; ўз ҳузуридаги чет давлатлар дипломатик вакилларининг ишонч ва чақириқ ёрлиқларини қабул этади; СССРнинг чет эллардаги ва халқаро ташкилотлар ҳузуридаги дипломатия вакилларини тайинлайди ва чақириб олади; олий дипломатия мартабалари ва бошқа махсус унвонларини беради;

13) СССР орден ва медаллари билан мукофотлайди, СССРнинг фахрий унвонларини беради;

14) СССР гражданлигига қабул қилиш, ундан чиқиш ва совет гражданлигидан маҳрум этиш, бошпана бериш масалаларини ҳал этади; гуноҳидан кечади;

15) Ялпи ёки қисман сафарбарлик эълон қилади; СССРга ҳарбий ҳужум қилинган тақдирда уруш ҳолати эълон қилади ва бу масалани дарҳол СССР Олий Советининг муҳокамасига киритади;

16) СССРни ва унинг гражданлари хавфсизлигини ҳимоя қилиш манфаатлари йўлида айрим жойларда ҳарбий ёки фавқулодда ҳолат эълон қилади — бу масалани албатта тегишли Иттифоқдош республика Олий Советининг Президиуми билан кўриб чиқади; бу ҳолларда вақтинча президентлик бошқарувини жорий этиши мумкин. Ҳарбий ва фавқулодда ҳолатлар, шунингдек Президент бошқаруви режими қонун билан белгиланади;

17) СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети билан Миллатлар Совети ўртасида келишмовчилик чиққан ва бу келишмовчиликни СССР Конституциясининг 117-моддасида кўзда тутилган тартибда бартараф этишнинг иложи бўлмаган тақдирда СССР Президенти мақбул қарор ишлаб чиқиш мақсадида бахсли масалани кўриб чиқади. Башарти, бир фикрга келишга муваффақ бўлинмаса ҳамда СССР давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг нормал фаолиятини бузадиган ҳақиқий хавфи вужудга келса — Президент СССР халқ депутатлари Съездига янги составдаги СССР Олий Советини сайлаш тўғрисида таклиф киритиши мумкин.

127-модда. 4-банд. СССР Президенти федерация кенгашига бошчилик қилади, Иттифоқдош республикалар Олий Советларининг Раислари лавозимларига кўра шу кенгаш таркибига кирадилар.

Федерация кенгаши: иттифоқ шартномасига риоя этиш масалаларини кўриб чиқади; Совет давлатининг миллий сиёсатини амалга ошириш тадбирларини ишлаб чиқади; СССР Олий Советининг Миллатлар Советига миллатлараро муносабатлардаги низоларни ҳал этиш ва можароли вазиятларни бартараф қилиш юзасидан тавсиялар беради; Иттифоқдош республикаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб туради ҳамда уларнинг СССР Президентининг ҳуқуқ доирасига кирадиган иттифоқ аҳамиятига молия масалаларни ҳал этишдаги иштирокини таъминлайди.

(Давоми иккинчи бетда).

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

АНДИЖОН, 5 март. (ЎзТАГ). Андижон область партия комитетининг бугун бўлиб ўтган пленумида ташкилий масала кўриб чиқилди. М. М. Орипжонов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан область партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси вазифаларидан озод қилинди.

Область партия комитетининг секретари бўлиб ишлаган Қ. Х. Холмирзаев яширин овоз бериш йўли билан Андижон область партия комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Иброҳимов нутқ сўзлади.

ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

ҚАРШИ, 5 март. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда халқ депутатлари Қашқадарё область Советининг сайловдан сўнг биринчи сессияси бўлди.

Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари А. Р. Отажонов халқ депутатлари область Советининг раиси қилиб сайланди. Т. П. Хидиров область ижроия комитетининг раиси этиб тасдиқланди.

Депутатлар область Совети ижроия комитетининг «Область иқтисодиётини соғломлаштириш ва область хўжалик ҳисобини жорий этишга доир тадбирлар тўғрисида»ги докладини муҳокама қилдилар.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг КОНУНИ

СССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда СССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Федерация кенгашининг мажлисларида СССР Олий Советининг Раиси ва палаталарнинг раислари иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

127⁵-модда. СССР Президенти ҳузурида СССР Президентлик кенгаши ишлайди, унинг вазифаси СССР ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини амалга ошириш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат бўлади.

Президентлик кенгашининг аъзолари СССР Президенти томонидан тайинланади. СССР Министрлар Советининг Раиси лавозимига кўра СССР Президентлик кенгаши таркибига киради.

СССР Президентлик кенгашининг мажлисларида СССР Олий Советининг Раиси қатнашишга ҳақлидир.

127⁶-модда. СССР Президенти зарур ҳолатларда федерация кенгаши билан СССР Президентлик кенгашининг қўшма мажлисларини ўтказади.

127⁷-модда. СССР Президенти СССР Конституцияси ва СССР Қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш юзасидан Фармонлар чиқаради, бу Фармонлар СССРнинг бутун территориясида мажбурий кучга эга бўлади.

127⁸-модда. СССР Президенти дахлсизлик ҳуқуқига эга бўлади ва у СССР Конституциясини ҳамда СССР Қонунларини бузган тақдирда СССР халқ депутатларининг Съезди томонидангина лавозимдан туширилиши мумкин. Бу қарор Съезднинг ўз ташаббуси ёки СССР Олий Советининг ташаббусига биноан СССР халқ депутатлари Съезди томонидан СССР Конституцион назорат комитетининг хулосасини ҳисобга олиб, депутатлар умумий сонининг камида учдан икки қисми овози билан қабул қилинади.

127⁹-модда. СССР Президенти 127-модданинг 3-бандидаги 12—14 бандларда кўзда тутилган ўз вазифаларини ижро этишни СССР Олий Советининг Раисига ва СССР Министрлар Советининг Раисига топшириши мумкин.

127¹⁰-модда. Агар СССР Президенти бирон-бир сабабга кўра келгусида ўз вазифаларини ижро эта олмайдиган тақдирда янги Президент сайлангунга қадар унинг ваколатлари СССР Олий Советининг Раисига, бунинг иложи бўлмаган тақдирда — СССР Министрлар Советининг Раисига ўтказилади. Бу ҳолатда СССР янги Президентининг сайлови уч ой муддатда ўтказилиши керак».

2. СССР Конституцияси «СССР Президенти» деган янги 151-боб билан тўлдирилиши муносабати билан СССР Конституциясининг қуйидаги моддаларига шундан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 77-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Иттифоқдош республика ССР Иттифоқи ихтиёридаги масалаларнинг СССР халқ депутатлари Съездида, СССР Олий Советида, СССР Олий Совети Президиумида, Федерация кенгашида, СССР ҳукуматида ва ССР Иттифоқининг бошқа органларида ҳал этилишида қатнашади».

2) 108-моддада:

6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6) СССР Олий Советини ва СССР Олий Советининг Раисини сайлаш»;

7 ва 8-бандлар чиқариб ташлансин;

9, 10, 11, 12, 13-бандлар шунга мувофиқ равишда 7, 8, 9, 10, 11-бандлар деб ҳисоблансин;

4-қисмдан «СССР халқ депутатлари Съездининг СССР Олий Совети Раисини ёки унинг биринчи ўринбосарини чақириб олиш тўғрисидаги қарорлари СССР халқ депутатлари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади» деган сўзлар чиқариб ташлансин».

3) 110-модданинг 4 ва 5-қисмлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«СССР халқ депутатлари Съездининг навбатдаги мажлислари йилига камида бир марта ўтказилади. Навбатдан ташқари мажлислар СССР Олий Советининг ташаббусига биноан, унинг палаталаридан биринг, СССР Президентининг, СССР халқ депутатларидан камида бешдан бир қисмининг таклифига мувофиқ ёки иттифоқдош республика давлат ҳокимияти олий органи орқали иттифоқдош республиканинг ташаббуси билан чақирилади.

СССР халқ депутатлари Съездининг сайловдан кейинги биринчи мажлисини СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг раиси, сўнгра эса СССР Олий Советининг Раиси бошқаради».

4) 111-модданинг биринчи ва еттинчи қисмлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«СССР Олий Совети — СССР давлат ҳокимиятининг доимий ишлайдиган қонун чиқарувчи ва назорат қилувчи органидир»;

«Палаталарнинг қўшма мажлисларини СССР Олий Советининг Раиси ёки навбатма-навбат Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг Раислари олиб борадилар».

5) 12-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«СССР Олий Совети ҳар йили СССР Олий Советининг Раиси томонидан навбатдаги — баҳорги ва кузги сессияларга, қоида тариқасида, ҳар бири уч-тўрт ой муддатга чақирилади.

Навбатдан ташқари сессиялар СССР Олий Советининг Раиси томонидан ўз ташаббуси билан ёки СССР Президентининг, иттифоқдош республика давлат ҳокимияти олий органи орқали иттифоқдош республиканинг, СССР Олий Совети палаталаридан бири составининг камида учдан бир қисмининг таклифига биноан чақирилади».

6) 113-моддада:

2-банд 2 ва 3-бандлар тарзида қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

2) СССР Президентининг тақдимига биноан СССР Министрлар Советини тайинлайди;

3) СССР Министрлар Совети Раисининг тақдимига биноан СССР Министрлар Советининг составини ва унга киритиладиган ўзгартишларни тасдиқлайди; СССР Министрлар Советининг таклифига биноан СССР министрликларини ва СССР давлат комитетларини тузади ҳамда тугатади»;

3-банд чиқариб ташлансин;

7, 13 ва 14-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7) Гражданларнинг конституцион ҳуқуқлари, эркинликлари ва вазифалари амалга оширилишини, мулкчилик муносабатларини, халқ хўжалиги ва ижтимоий-маданий қурилиш бошқарилишининг ташкил этилишини, бюджет-молия системасини, меҳнатга ҳақ тўлаш ва нарх белгиланишини, солиқ солинишини, атроф-муҳитнинг муҳофаза қилинишини ва табиий ресурслардан фойдаланилишини, шунингдек бошқа муносабатларни ССР Иттифоқининг ҳуқуқи доирасида қонун йўли билан тартибга солиб туради»;

«13) мудофаа ва давлат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги асосий тадбирларни белгилаб беради; бутун мамлакатда ҳарбий ёки фавқулодда ҳолат жорий этади; агрессиядан ўзаро мудофаа-ланишга оид халқаро шартнома мажбуриятларини бажариш зарурати туғилган тақдирда уруш ҳолатини эълон қилади;

14) тинчлик ва хавфсизликни сақлаш юзасидан халқаро шартномавий мажбуриятларни бажариш зарур бўлиб қолганда, СССР Қуролли Кучлари қисмларидан фойдаланиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

18-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18) СССР Министрлар Советининг қарорлари ва фармойишларини бекор қилиш ҳуқуқига эга»;

7) 114-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«114-модда. СССР халқ депутатларининг Съездида ва СССР Олий Советида СССР халқ депутатларига, Иттифоқ Советига, Миллатлар Советига, СССР Олий Советининг Раисига, СССР Олий Совети палаталари доимий комиссияларига ва комитетларига, СССР Президентига, СССР Министрлар Советига, СССР Конституцион назорат комитетига, иттифоқдош республикалар давлат ҳокимиятининг олий органларига, СССР халқ назорати комитетига, СССР Олий судига, СССР бош прокурорига, СССР бош давлат ҳакамига Қонун лойиҳаларини таклиф этиш ҳуқуқи берилади.

Жамоат ташкилотларининг умумиттифоқ идоралари ва СССР Фанлар академияси ҳам Қонун лойиҳаларини таклиф этиш ҳуқуқига эга бўладилар».

8) 117-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«117-модда. Иттифоқ Совети билан Миллатлар Совети ўртасида келишмовчилик юзага келган тақдирда масала палаталар тенг ҳуқуқли асосда ташкил этадиган келиштирувчи комиссия ҳал этиши учун тақдим этилади, шундан кейин Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети қўшма мажлисда масалани иккинчи марта кўриб чиқади».

9) 118-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«118-модда. СССР Олий Совети ишини ташкил этиш учун СССР Олий Советининг Раиси бошчилигида СССР Олий Советининг Президиуми тузилади. СССР Олий Совети Президиуми таркибига Иттифоқ Советининг Раиси ва Миллатлар Советининг Раиси, уларнинг ўринбосарлари, СССР Олий Совети палаталари доимий комиссиялари ва комитетларининг раислари, бошқа СССР халқ депутатлари (ҳар бир иттифоқдош республикадан биттадан) кирадилар.

СССР Олий Совети Президиуми СССР Олий Совети съезди ва сессияларининг мажлисларини тайёрлайди палаталар доимий комиссиялари ва Олий Совет комитетларининг фаолиятини мувофиқлаштириб туради, СССР Қонунлари лойиҳалари ва давлат турмушининг бошқа энг муҳим масалалари умумхалқ муҳокамасига қўйилишини ташкил этади.

СССР Олий Совети Президиуми СССР қонунлари ҳамда СССР халқ депутатларининг Съезди, СССР, Олий Совети, унинг палаталари, СССР Президенти қабул қилган бошқа ҳужжатлар СССР Конституциясига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаларни тақдим этади.

СССР халқ депутатлари Съездининг топширувига, СССР Олий Советининг таклифига биноан СССР Президенти Фармонларининг СССР Конституциясига ва СССР қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар беради;

3) СССР халқ депутатлари Съездининг топширувига, СССР Олий Совети, СССР Президенти, СССР Олий Совети Раиси, иттифоқдош республикалар давлат ҳокимияти олий органларининг таклифларига биноан СССР халқ депутатлари Съездига ёки СССР Олий Советига СССР Конституциясининг иттифоқдош республикалар Конституциясига, иттифоқдош республикалар қонунларининг эса СССР Қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар беради;

4) СССР халқ депутатлари Съездининг топширувига, СССР Олий Совети аъзоларининг камида бешдан бир қисмининг, СССР Президентининг, иттифоқдош республикалар давлат ҳокимияти олий органларининг таклифлари асосида СССР халқ депутатлари Съездига СССР қонунлари ва съезд қабул қилган бошқа ҳужжатлар СССР Конституциясига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаларни тақдим этади.

СССР халқ депутатлари Съездининг топширувига, СССР Олий Советининг таклифига биноан СССР Президенти Фармонларининг СССР Конституциясига ва СССР қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар беради;

3) СССР халқ депутатлари Съездининг топширувига, СССР Олий Совети, СССР Президенти, СССР Олий Совети Раиси, иттифоқдош республикалар давлат ҳокимияти олий органларининг таклифларига биноан СССР халқ депутатлари Съездига ёки СССР Олий Советига СССР Конституциясининг иттифоқдош республикалар Конституциясига ва СССР Қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар беради;

5) СССР халқ депутатлари Съездининг топширувига, СССР Олий Совети, унинг палаталари, СССР Президенти, СССР Олий Советининг Раиси, СССР Олий Совети палаталари ва комитетларининг доимий комиссиялари, СССР Министрлар Совети, иттифоқдош республикалар давлат ҳокимияти олий органлари, СССР Халқ назорати комитети, СССР Олий суди, СССР бош прокурори, СССР Давлат бош ҳаками, жамоат ташкилотларининг умумиттифоқ идоралари ва СССР Фанлар академиясининг таклифларига биноан, бошқа давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг норматив ҳуқуқий ҳужжатларининг СССР Конституциясига ва СССР қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар беради. СССР Конституциясига мувофиқ ушбу давлат органлари ва жамоат ташкилотларига нисбатан прокурор назорати амалга оширилмайди».

15) 125-модданинг биринчи ва иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин: «СССР халқ депутатларининг Съезди ва СССР Олий Совети ўзларига ҳисоб берадиган барча давлат органларини назорат қилиб туради.

СССР Олий Совети ва СССР Президенти СССР Халқ назорати комитети фаолиятини йўналтириб туради».

16) 30-модданинг учинчи ва тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«СССР Министрлар Совети йилига камида бир марта ўз иши тўғрисида СССР Олий Советига ҳисобот бериб туради ва ўз фаолиятидан СССР Президентини мунтазам хабардор қилади.

СССР Олий Совети ўз ташаббусига ёки СССР Президентининг таклифига биноан СССР ҳукуматига ишончсизлик билдириши мумкин, бу эса ҳукуматнинг истеъфо беришига олиб келади. Ушбу масала хусусидаги қарор СССР Олий Совети аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмининг кўпчилик овози билан қабул қилинади».

17) 131-модданинг:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда берилсин:

«СССР Министрлар Совети давлат бошқарувининг ССР Иттифоқи ихтиёридаги барча масалаларини ҳал этишга ҳақлидир. Чунки бу масалалар СССР Конституциясига биноан СССР халқ депутатлари Съезди, СССР Олий Совети ва ССР Президенти ваколатига кирмайди»;

биринчи қисмидаги 3 ва 4-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3) Гражданларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, мамлакат манфаатларини ҳимоя қилиш, мулк ва жамоат тартибини қўриқлашга оид тадбирларни амалга оширади:

4) мамлакат мудофаасини ва давлат хавфсизлигини таъминлашга оид чоралар кўради»;

5-банд чиқариб ташлансин.

6 ва 7-бандлар шунга биноан 5 ва 6-бандлар деб ҳисоблансин ҳамда қуйидаги таҳрирда баён этилсин;

«5) СССРнинг хорижий давлатлар билан муносабатлари, чет мамлакатлар билан ташқи савдо, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлиги соҳасида умумий тадбирларни амалга оширади; СССРнинг халқаро шартномаларни бажаришини таъминлашга оид чоралар кўради; ҳукуматлараро халқаро шартномаларни тасдиқлайди ва бекор қилади;

6) зарурат бўлганда СССР Министрлар Совети ҳузурида комитетлар, бош бошқармалар ва бошқа идоралар ташкил этади».

18) 133-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«133-модда. СССР Министрлар Совети СССР қонунлари ва СССР халқ депутатлари Съездининг, СССР Олий Советининг бошқа қарорлари, СССР Президентининг Фармонлари асосида ва уларни ижро этиш учун қарорлар ва фармойишлар чиқаради ҳамда уларнинг ижросини текширади. СССР Министрлар Советининг қарорлари ва фармойишлари СССРнинг бутун территориясида ижро этиш учун мажбурийдир».

19) 135-модданинг тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«СССР министрликлари ва давлат комитетлари ўзларига топширилган бошқарув соҳаларининг ҳолати ҳамда ривожлантирилиши учун жавобгардирлар; улар ўз ваколатлари доирасида СССР қонунлари ҳамда СССР халқ депутатлари Съезди ва СССР Олий Советининг бошқа қарорлари, СССР Президентининг Фармонлари, СССР Министрлар Советининг қарорлари ва фармойишлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун ҳужжатлар нашр этади; улар ижросини йўлга қўяди ва текширади».

20) 152-модданинг:

биринчи қисми қуйидагича таҳрирда баён этилсин:

«СССРдаги барча судлар ҳарбий трибуналларнинг судьяларидан ташқари, судьялар ва халқ маслаҳатчиларини сайлаб қўйиш асосида ташкил этилади;

бешинчи қисм қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳарбий трибуналларнинг судьяларини СССР Президенти тайинлайди, халқ маслаҳатчиларини эса ҳарбий хизматчиларнинг йиғилишлари очиқ овоз бериш йўли билан сайлайди».

21) 171-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«171-модда. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Давлат гимнини СССР Олий Совети тасдиқлайди».

II. СССРнинг биринчи Президентини СССР халқ депутатлари Съезди беш йил муддатга сайлайди, деб белгилансин.

Ана шу сайловда жамоат ташкилотлари ўзларининг умумиттифоқ органлари тарзида, СССР Олий Совети, унинг ҳар бир палатаси, СССР халқ депутатларининг камида 100 кишидан иборат группалари ва иттифоқдош республикалар давлат ҳокимияти олий органлари орқали СССР Президенти лавозимига номзодлар кўрсатишлари мумкин. СССР халқ депутатлари умумий сонининг ярмидан кўпроғи овозини олган номзод сайланган ҳисобланади. Агар овоз бериш чоғида номзодлардан ҳеч бири овозларнинг ярмидан кўпроғини олмаган бўлса, энг кўп овоз олган икки номзод қайта овозга қўйилади.

Ушбу Қонуннинг 1272-моддасига биноан СССР Президенти қасамёдининг қуйидаги матни тасдиқлансин:

«Совет халқига садоқат билан хизмат қилишга, СССР Конституциясига қатъий амал қилишга, зиммамга юклатилган СССР Президенти юксак мажбуриятларини виждонан бажаришга тантанали равишда қасамёд қиламан».

СССР Президенти этиб сайланган шахс қасамёд қилган пайтдан бошлаб ўз лавозимини бажаришга киришади.

III. Ушбу Қонун қабул қилинган пайтдан бошлаб кучга киритилсин.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ РАИСИ

ТЎҒРИ ЙЎЛ ТАНЛАНГАН

(Давоми. Боши биринчи бетда).

деб ўйлайман. Коммунистлар бутун халқ оммаси билан яқинлашмоғи керак. Шу боисдан фоизлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмайди. Агар билсангиз, ҳар ҳолда жамиятимиздаги одамлар партия учун, унинг тақдири учун жонкуярлик қилмоқдалар, кўп маслаҳатлар бермоқдалар, коммунистларгина эмас, бутун жамият шундай қиляпти. Бу эса халқимиз қайта қуришнинг муваффақиятини ҳам партиянинг фаолияти билан боғлаётганини кўрсатиб турибди. Бу жуда тўғри. Бироқ партияни ўзгартириш, янгилаш, унинг иш усулларини ҳам ҳозирги вазиятга мувофиқлаштириш — коммунистлар ҳозирги авлодининг бурчидир.

— Бу сайлов жамиятни қайта қуриш учун ва ундаги ислоҳотчи кучлар учун бурилиш бўлади, деб ўйлайсизми?

М. С. Горбачев: Шу пайтгача бўлиб ўтган ва янги қоидалар асосида олий ҳокимиятни тузиш имконини берган сайлов натижалари билан бирга бу сайлов республика даражасидаги ҳокимият органлари, маҳаллий Советлар қандай бўлишини белгилаб беради. Шу билан бирга биз мана шу янги Советларга кўпроқ ҳуқуқлар беришимизни ҳам бирга қўшганда, бу нарса қайта қуришни ривожлантиришда ғоят жиддий бурилишни билдиради, деб ўйлайман. Халқ эса қайта қуришнинг ҳар бир район, шаҳар, корхона, ижтимоий-иқтисодий планларида аниқ равшан натижаларни тезроқ бера бошлашига муштоқ.

Сайлов арафасида бўлиб ўтган намойишлар тўғрисида савол берилди.

Мен мамлакатдаги мулоқот давом этишининг тарафдориман, деди жавоб қайтариб М. С. Горбачев, бироқ мухолифликка қаршиман, қатъиян қаршиман. Тарихимизда ҳали шу каммиди. Мен қайта қуриш қоидалари асосида, олға силжиш, бутун жамиятимизнинг қайта қуриш мақсадларига эришуви принциплари асосида бирлашиш тарафдориман. Пировардида қайта қуриш берадиган натижа ҳаммамиз учун фойдали бўлади.

Болтиқбўйи республикалари мавзуи ҳам тилга олинди. Бундан буён воқеалар қандай ривожланади?

М. С. Горбачев: Биз Иттифоқдаги муносабатларни бундан буён қандай йўлга қўйишимиз ҳақида Болтиқбўйидаги ўртоқлар билан мунозара қиляпмиз. Бу масалада шартномавий негизлар қайтадан идрок этиб чиқилиши кераклиги хусусида фикрларнинг ўхшашлиги бор. Бу масалада ихтилофлар йўқ. Мана шу қайта идрок этишни, янги шартномавий негизларни қай маънода тушунишга келганда, бу ўринда фикрлашув учун, мунозара ўтказиш, ўйлаб кўриш учун асос бор. Мен бунинг натижаси нима билан тугашини ҳозирдан айтмоқчи эмасман. Айниқса кейинги ҳафтада шу республикаларнинг деярли барча вакиллари билан бу хусусда музокаралар бўлиб ўтди. Федерациямизга янги илҳом бахш этадиган ечимлар топилади, деб ўйлайман.

— Сўнгги Пленумда ташқи сиёсатимиз танқид қилингани хусусида нима дейсиз?

М. С. Горбачев: Чамаси, сиёсатнинг барча жабҳаларида бўлганидек, бу соҳада ҳам ютуқлар билан бирга камчиликлар ,нуқсонлар бор. Аммо мен баъзи нутқларга қўшила олмайман. Бунда билмаслик ва узоқни кўра билмасликдан далолат берувчи икки нутқни назарда тутаман. Янгича тафаккур мамлакатимиз учун ҳам, бутун дунё учун ҳам жуда зўр имконият очиб берганига аминман, биз турли лагерларда эмас, балки битта цивилизацияда, битта дунёда яшаб турганимизни ҳис этдик.

Руминия радиоси ва телевидениесининг мухбири Александр Штарк М. С. Горбачев билан мусоҳабалашмоқ учун шу кунларда атайин Москвага келган эди, аммо савол берувчилар жуда кўп бўлганлиги учун фақат битта савол бера олди: революцион румин халқи учун нима дея оласиз?

Чуқур революцион ўзгартишлар йўлига ўтиб олган румин халқига бирдамлик туйғусида эканимизни менинг номимдан, бутун халқимиз номидан айтиб қўйинг, деди Михаил Сергеевич. — Барча совет кишиларининг фикр-ўйларини изҳор этаётганимга аминман. Сизларнинг мамлакатингизда ҳам, бизнинг мамлакатимизда ҳам ҳамма ишлар қийинчилик ва машаққат билан силжиб боряпти, аммо бу нарса ҳеч кимни хавотирга солмасин. Сизлар тўғри йўлга чиқиб олганингизга ишончим комил. Сизларга энг яхши тилаклар йўллайман.

Сайлов участкаси дарвозасининг ташқарисида москвиликлар билан яна бир суҳбат бўлди. Улар журналистлардан кейин, ниҳоят, М. С. Горбачев билан гурунглашиш имкониятини олдилар. Бу ерда ҳам долзарб муаммолар ҳақида гапирилди, жумладан, ҳозирги босқичда партиянинг роли тўғрисида, янги авлодларнинг яхшироқ келажаги учун жон фидо қилган ветеранларга ғамхўрлик қилиш пайти келганлиги ҳақида, мамлакатда айни қандай усуллар билан тартиб ўрнатиш лозимлиги тўғрисида гап борди.

Михаил Сергеевич ўз суҳбатдошлари билан ҳайрлашар экан, мен танлаб олган йўлимга ишонаман, деди. Бу — осон йўл эмас: қийин, машаққатли йўл. Биз тўғри йўлдан бораётганимизга ишонаман. Вазият нақадар қалтис бўлмасин, норозиликлар сезилиб турган бўлмасин, ҳар ҳолда мададкорликни ҳис қиляпман. Зеро, биз бошқарувнинг бир хил усулларидан воз кечдик, буйруқбозлик усулини рад этяпмиз, янги усулларни эса ҳали ўзлаштириб олганимиз йўқ. Ҳамма нарсани ким қўллаб-қувватлаб турибди? Албатта, халқ қўллаб-қувватлаяпти. Митингдаги бақириқ-чақириқлар ҳақиқий қўллаб-қувватлаш эмас, — у шартли қўллаб-қувватлашдир — инсоннинг ўз зиммасига мажбурият олиши эса ҳақиқий қўллаб-қувватлашдир. Худди мана шунинг учун мен халқимиздан миннатдорман.

Репортаж олиб борган ТАСС махсус мухбирлари:
Людмила ШВЕДОВА,
Виктор БЕЗБРЕЖНИЙ.

КПСС Марказий Комитети Ҳаракат дастури лойиҳасини ўқиб

МУҲИМ МАСАЛА

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасида жамиятимизнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатига эришишда қудратли омил бўлган фаннинг ҳамда фан натижаларини ўзлаштиришнинг ўрнини чуқур тушуниш даъват этилган. Бу бежиз эмас, албатта.

Фан энг аввало, одамларнинг маънавий дунёсини бойитишга, жамиятнинг маълумотлилигини оширишга ва умумий маданиятини юксалтиришга қаратилган беқиёс омилдир. Бир сўз билан айтганда, фан-техника тараққиёти, жумладан, табиий-илмий билимлар инсон моддий ишлаб чиқариш фаолиятини мунтазам такомиллаштиришнинг назарий асосидир.

Масаланинг яна бир муҳим томони шундаки, минг йиллардан бери ҳақиқат деб аталмиш инсон қадриятларига ҳурмат, уларнинг мукаммал қарор топиши учун кураш боради. Бу ҳаракат табиий илмий изланишлар билан қўшилиб, чатишиб кетган. Зотан, табиатшунослик инсоннинг ахлоқий сифатларини шаклланишига таъсир кўрсатади. Инсоннинг ахлоқий қадриятлари олимларнинг табиий-илмий билимларга муносабати билан чегараланиб қолмасдан, илмий тадқиқотлар олиб боришларида ҳам муҳим ўрин тутади. Илм қадрияти учун, янги кашфиётлар учун кураш салоҳиятли олимларнинг бу йўлда сарфлайдиган куч-қувватини бирлаштиришни тақозо этади.

Илмий фаолият юксак тарбиявий аҳамият касб этади. Бу фаолият инсоний қадриятларнинг ҳаётдан ўрин олишига ижобий намуна воситаси, ҳар бир кишининг бирор улуғ мақсадга эришуви йўлидаги меҳнат қилиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Шуни айтиш керакки, ҳозирги кунда илмий фаолиятнинг тарбиявий аҳамияти ҳақида кам гапирилади. Зеро, фан — инсон шуғулланадиган илмий фаолиятнинг ягона тури ҳам эмас. Лекин инсон фаолиятининг кўпгина соҳаларида фан ғоялари ва методлари намоён бўлаётганини алоҳида таъкидлаш керак.

Буларнинг ҳаммаси диалектик материалистик методологияга асосланиб илмни ривожлантиришга тўсқинлик қиладиган сунъий ва табиий тўсиқларни тўғри йўлдан олиб қўйиш, ғайрат-шижоат билан фаннинг истиқболли соҳаларини илдам ривожлантириш, илмда йўл қўйилган камчиликларнинг азобини тортмаслик учун ўртоқ М. С. Горбачев айтганидек, билим доирасини ва ниҳоятда тасаввурни кенгайтириш учун фаол курашишимиз керак.

Бунинг учун асосий бош вазифа «бой берилган имкониятларнинг ўрнини қоплаш учун ҳозир илм-фанга, маорифга, маданиятга, санъатга, инсонни улуғлайдиган ва айни вақтда унинг меҳнат унумдорлигини оширадиган ҳамма воситаларга маблағни аямаслик керак».

Ў. ҲАЙДАРОВ,
ТошДУ доценти.

ЖАМОАТЧИЛИК ТАРТИБНИ САҚЛАШНИ ЎЗ ҚЎЛИГА ОЛСИН

ЯНГИОБОД (Тошкент области), 5 март. (ЎзТАГ). Бу ерда шаҳар жамоатчилиги ва маҳалла комитетлари вакилларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш қатнашчилари Бўка ва Паркентда содир бўлган сўнгги воқеалардан ташвишланаётганликларини изҳор этдилар.

— Биз ҳаммамиз оилаларимиз билан биргаликда тинч ва хотиржам турмуш кечиришимиз учун жамоат тартиби таъминланиши керак, — деди маҳалла комитети раиси К. Боймирзаев. — Биз оқсоқоллар, уруш ва меҳнат ветеранлари шаҳарда тартиб бўлиши учун ҳамма ишларни қилишимиз лозим. Кекса авлод вакиллари ёшларнинг ножўя қадам босишларига йўл қўймасликлари, дўстлик ва бирлик йўли қайта қуришда биз танлаб олган йўл эканлигини ўз ҳаётлари намунаси ва орттирган обрўлари билан кўрсатиб беришлари керак.

— Мен тожикман, шаҳардаги биринчи бинога ғишт қўйилганидан бери шу ерда яшайман, — деди пенсионер Х. Маюсупов. — Тўққиз фарзандни катта қилдим, улар шу ердаги мактабда ўқишди, олий маълумотли бўлди. Ўзим илгари автомобиль ҳайдовчиси бўлганман. Илгари янгиободликлар ўртасида миллий негизда жанжал чиққанини эслай олмайман, бундай жанжаллар сира бўлмаган. Ҳозир шаҳарда 43 миллат вакиллари яшамоқда. Анчагина умумий ижтимоий муаммоларимиз бор, уларни биргаликда ҳал қилишимиз керак.

Йиғилишда сўзлаган кишилар республикадаги миллатлараро муносабатлар, жумладан сўнгги вақтда Тошкент областида юз берган воқеаларни марказий оммавий ахборот воситалари холисона ёритишлари керак, деб талаб қилдилар.

Шаҳар аҳлига қарата қабул қилинган мурожаатномада осойишталикка риоя этиш, ғиғвогарона миш-мишларга ишонмасликка даъват этилди. Шаҳар ижроия комитети ҳузурида оқсоқоллар кенгаши тузишга қарор қилинди. Ушбу кенгаш вазиятни барқарорлаштириш, миш-мишларга барҳам бериш, муаммоларни биргаликда ҳал этишга кўмаклашади.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ж. Ҳ. Ҳамидов қатнашди.

СЎЗ ҚАДРИ

«ХОРАЗМ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИ ЧИҚА БОШЛАГАНИГА 70 ЙИЛ ТЎЛДИ

● Хоразм область партия комитетига котиб этиб сайланганимга кўп бўлгани йўқ. Ана шунга қадар — ўн икки йилдан ортиқ муддатда «Хоразм ҳақиқати» газетасига муҳаррирлик қилган, олтмишинчи йилларнинг бошларида шу ерда бўлим мудири бўлиб ишлаган эдим. Демоқчиманки, республикадаги тўғриғ газеталардан бири — «Хоразм ҳақиқати»дан олган таассуротларим, бу ердаги қайноқ ҳаёт жабҳалари, севинган ва изтироб чекилган кунлар хотиралари, нурли ҳиссиётлар қалбимни ҳамон тўлқинлантириб турибди.

«ИНҚИЛОБ қуёши» номи билан аталган рўзноманинг биринчи сони бундан етмиш йил муқаддам — Хоразм Халқ республикаси барпо этилган кунларда — 1920 йилнинг 8 мартида чиқарилган эди. Тош босма усулида босилган газета дастлабки йилларда ҳафтада бир марта 300—400 нусхада тайёрланиб тарқатилган. 1920 йил 28 майда I-Бутунхоразм конференцияси қарори билан «Инқилоб қуёши» Хоразм Компартияси Марказий Комитетининг органига айлантирилди. 1924 йил ноябрь ойида ўтказилган миллий чегараланишдан кейин газета Хоразм область партия комитети, ижроия комитети, касаба союзлари ва ёшлар комитетларининг органи бўлди.

Рўзнома дастлабки йилларидаёқ ўзининг ўткир сўзи, ҳозиржавоб чиқишлари билан меҳнаткашларни янги ҳаёт қуриш сари илҳомлантирди, воҳада Совет ҳокимиятини ўрнатиш, қарор топтириш ва мустаҳкамлашда, урушдан кейинги тикланиш йилларида саноат, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, турмуш маданиятини ошириш ишида, Хоразм адиблари, олиму фузалоларини элга танитишда зўр фидойилик, ташкилотчилик кўрсатди. Эндиликда газета 57 минг нусхада чоп этилмоқда.

Хоразмликлар ўз севимли газеталари чиқа бошлаган куннинг етмиш йиллигини мамлакатда, партияда вазият ғоят жиддийлашган, инсонпарвар ва демократик социализм тақдири — қайта қуриш тақдири ҳал бўлаётган шу мураккаб кунларда нишонлаяптилар. Бундай шароитда матбуот нашрлари, уларнинг кўп сонли қалам аҳллари олдига янада масъулиятли вазифалар қўйилаётгани табиийдир.

«Хоразм ҳақиқати» газетаси айни пайтда воҳада истиқомат этаётган 70 дан зиёд миллат вакилларини аҳил ва дўст бўлиб яшашга чорламоқда, қайта қуриш жараёнини ғапбозлик билан амалга ошириб бўлмаслигини, аҳволни астойдил, самарали меҳнат билан ўнглаб олиш мумкинлиги ва зарурлигини тушунтирмоқда.

Айни шу кунларда газета КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасини кенг, чуқур муҳокама этиш, область меҳнаткашларининг бу муҳим ҳужжат ҳақида аниқ фикр ва мулоҳазалар билдиришлари учун ошкора, таъсирчан минбарга айланяпти. Газета саҳифаларида мунозарали чиқишларга, нуқтаи назарларнинг хилма-хиллигига, инқилобий ғояларга, турмуш тарзининг ўткир, ҳаётий муаммоларига кенг ўрин бериляпти.

Қайта қуриш, ошкоралик ва демократиялаш жараёнларини изчил, чуқур, сертаҳлил қилиб ёритиш мақсадида кейинги пайтларда «Фикрлар чорраҳаси», «Меҳнаткашларнинг съездолди минбари», «Сайловчи сўзи», «Нуқтаи назар» деган янги рубрикалар очилди. Ана шу рубрикалар билан берилаётган мақолаларнинг муаллифлари — партия, совет ташкилотлари фаоллари, коммунистлар, зиёлилар, ишчи ва колхозчилар қайта қуришни чуқурлаштириш, адолат ва ҳақиқатни ҳимоя қилиш, халқ турмуш фаровонлигини барқарорлаштириш омиллари, ҳамкорлик ва халқлар дўстлигининг қадр-қимматига етиш зарурлиги ҳақида, ғапбозлик, расмиятчиликлар нақадар оғир оқибатларга олиб келишини ҳаётий мисоллар билан очиқравшан қилиб ёзаяптилар. Масалан, газетанинг 28 февраль сонида «Ҳаракат йўналиши мукаммал бўлсин» сарлавҳали туркум материаллар босилди. Уларда муаллифлар КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасини ўз фикр-мулоҳазалари, амалий таклифлари билан тўлдириб, бошланғич партия ташкилотларининг эрк — ихтиёрини кенгайтириш, юқори органлардан юбориладиган қарорларни камайтириш, халққа хизмат кўрсатишни яхшилаш учун раҳбарларнинг масъулиятини ошириш зарурлигини айтишган.

Кейинги йилларда газетанинг ички ҳаётини қайта қуриш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Чунончи, ижодий ходимлар сонини кўпайтирмай туриб назорат ва эълонлар бўлими, «Турар-жой», «Саводхонлик» программалари бўйича шарҳловчилар штатлари очилди. Улар иқтидорли, изланувчан, тажрибали кадрлар билан мустаҳкамланди. Бу ишнинг натижаси ҳозирданоқ кўриниб турибди — ана шу мавзуларда кенг жамоатчилик эътиборини тортадиган бир қатор ўткир, муаммоли мақолалар босилди. Ҳозир уларда кўтарилган масалалар юзасидан амалий ишлар қилиняпти.

Шу ўринда бир мисол келтирмоқчиман. Ўтган йилнинг бошларида газетада область ўқитувчилар малакасини ошириш институти адабиёт кабинети мудири К. Машариповнинг «Мактаб адабиёт программаси» сарлавҳали мақоласи босилган ва унда республика Халқ таълими министрлиги томонидан тайёрланган ўзбек адабиётини ўқитиш программасида хоразмлик классик шоирлар, жумладан, Огаҳий ва Аваз Ўтар ижодини ўрганишга жуда оз ўрин берилгани танқид қилинган эди. Хат министрликка юборилди ва шу асосда программанинг янги нашрини тайёрлашда танқидий мулоҳазалар инобатга олинди. Лекин бу масала янада чуқур ўрганилиши ва адолатли ҳал этилиши керак.

Газета «Қонундан устун келаётган бўйруқбозлик» сарлавҳали танқидий мақолани республика давлат агросаноат комитетига юборар экан, кўтарилган масалага жиддий муносабатда бўлишни талаб қилди. Комитет Хоразмга 1988 йилда областда пландан ташқари етиштирилган пахтадан олинган бир неча минг тонна кунжара талқони ва шелуха ажратишга розилик билдирди. Газета фаолиятидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Орол денгизи фожиаси, Туямўйин сув омбори қурилиши қусурлари, янги ерларни ўзлаштириш мақсадида кўплаб дарёбўйи тўқайзорлари, мовий кўлларнинг йўқотиб юборилгани, ичимлик сувнинг ўта шўрланиши сабабли Хоразм экологияси оғирлашиб, халқнинг сиҳат-саломатлиги ёмонлашиб кетди. Газета табиатни тезроқ соғломлаштириш, ҳеч пайсалга солмай ичиладиган сув сифатини яхшилаш масалаларини дадил кўтариб чиқмоқда. Жумладан, Амударё соҳиларида ҳеч бўлмаганда 300 метрлик кенгликда тўқайзорларни қайта тиклаш, Чолиш участкаси зонасида қўриқхона барпо этиш тўғрисида чиқишлар қилинди. Афсуски, совет ва хўжалик органлари, мутасадди ташкилотлар ҳали бу борада сезиларли иш қилишмаяпти, табиатни муҳофаза этиш область комитети эса улар билан муроса қилиб келмоқда.

Хива — Хоразмнинг кўз қорачиғи, дур-гавҳари, воҳа қадимий меъморчилик санъатининг такрорланмас намунасидир. Хоразмликлар бу қадимий шаҳарнинг 2400 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўришмоқда. Газета шу ҳақда туркум материаллар берянти, уларда қатор обидаларни таъмирлашга эътиборсизлик билан қаралаётгани, бу ишлар ўта сифатсиз бажарилаётгани қаламга олинмоқда.

Газетанинг етмиш йиллик олис ва машаққатли, қутлуғ ва шарафли йўли ҳақида гап бораётган шу кунларда оғир йилларда рўзномага етакчилик қилган, унинг ишига салмоқли ҳисса қўшган кишиларни хотирлаш жоиздир. Улардан бири — газетага муҳаррирлик қилган истеъдодли публицист Қурбон Берегиндир. У газета атрофига воҳанинг истеъдодли қаламкашларини тўплади, уни республикадаги таъсирли, оммавий, ўқимишли нашрлардан бирига айлантириш учун кўп хизмат қилди. Кейинчалик ўзи ҳам репрессия қурбони бўлди.

СССР Ёзувчилар союзи аъзоси, шоир ва драматург Эгам Раҳимов чорак аср мобайнида газета муҳаррири бўлиб ишлаб, соҳада профессионал журналист кадрларни тайёрлаш, газета ўқимишлилиги ва таъсирчанлигини ошириш борасида ибратли ишлар қилди.

Воҳадаги қалдирғоч рўзнома тетапоя бўлиб, қанот қоқа бошлаган дастлабки йилларда унинг ишига Фақирий, Мутриб, Партов, Чокар, Муғанний, Сойиб Назарий сингари ёзувчи ва шоирлар, Онабиби Сафоева, Мадраҳим Сайдашев, Умар Қурбоний, Маҳмуд Исмоилий, Эшмурод Девонов, Ҳабиб Эшмуҳамедов сингари партия ва совет ходимлари, ишчи, деҳқон, зиёлилар яқиндан ёрдам кўрсатганлар.

Область партия комитети матбуотга, воҳадаги барча тур оммавий ахборот воситаларига раҳбарликни, ғамхўрликни ва талабчанликни тубдан яхшилаш чораларини кўряпти. Ҳафтанинг ҳар душанба куни область партия комитетида «Журналистлар билан мулоқот» соатлари ўтказиляпти, кўп йиллардан буён ишлаб турган «Муҳаррирлар кенгаши»га талабчанлик оширилмоқда, унинг иш усуллари такомиллаштириляпти.

«Хоразм ҳақиқати» газетасининг полиграфия базаси мустаҳкамланмоқда. Шаҳарнинг хушманзара жойларидан бирида замонавий машина ва ускуналар билан жиҳозланган редакция ва босмахона комплекси қад ростлади. Бино яқинда фойдаланишга топширилади.

Гапнинг рости, юбилей кунларида аччиқроқ гаплар айтилса, ҳали ҳам кўпларга эриш тўюлади. Чунки бунга ўрганмаганмиз. Агар юбилейда камчиликларга эътибор жалб қилинадиган бўлса, мен редакция ҳайъати, бутун ижодий ходимларига ошланган қайта қуришни «совутиб» қўймаслик, ҳақиқатни рўй-рост айтишдан тап тортмаслик, мақсадни амалга ошириш йўлидан тоймаслик, дардли нуқталарни четлаб ўтмаслик зарурлигини уқтирмоқ жоиз, деб ўйлайман.

Хоразмликлар шу илк баҳор кунларида ўз севимли рўзномалари етмиш йиллигини нишонлар эканлар, унинг бундан буён ҳам инқилобий ғоялар, қайта қуриш, ошкоралик, демократия тарғиботчиси, халқ қалбидаги орзу-ниятлар, эзгу ҳислар ифодачиси бўлишига ишонч билдиришмоқда.

Э. САМАНДАРОВ,
Хоразм область партия комитетининг секретари.

ҚАТЪИЙ ҚАРОР

Душанбе, 4 март. (Тожик ТА—ТАСС). Республика Компартияси Марказий Комитети кенгайтирилган пленумининг қатнашчилари Душанбедаги аҳволни барқарорлаштиришга доир биринчи галдаги чора-тадбирларни, Тожикистон Компартиясининг XXI съездига тайёргарлик вазифаларини муҳокама қилдилар.

Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Қ. М. Маҳкамов маъруза қилди. Пленумда 12-14 февраль кунлари Душанбеда рўй берган фожиали воқеалар пойтахтда ва республикада аҳволни беқарорлаштириш мақсадида олдиндан режалаштирилган ҳаракат бўлганлиги таъкидланди. Оммавий тартибсизликларнинг ташаббускорлари кўпгина ижтимоий ва иқтисодий муаммолар ҳал этилмаганлигидан, аҳоли муайян қисмининг турмуш даражаси пастлигидан фойдаланиб, партия, совет ва хўжалик идораларининг сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги ишларини йўққа чиқаришга ҳаракат қилдилар.

Пленум қатнашчилари республика партия ташкилоти фаолиятида меҳнаткашларни айниқса, бир қисми ур-йиқитлар, бошқа жиноятлар ташкилотчилари қўлида қуролга айланган ёшларни байналмилал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишида йўл қўйилган камчиликларни таҳлил этдилар.

Тожикистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси нинг аҳволни барқарорлаштиришга доир хатти-ҳаракатларини пленум ижобий баҳолади. Айни вақтда пленум Марказий Комитет, область, шаҳар, район партия комитетларининг эътиборини республикада жамият турмушининг сиёсий, иқтисодий, маф-куравий ва маънавий соҳаларида кучайиб бораётган тангликни тезда ҳал этишга қаратди.

Пленум Тожикистон Компартиясининг навбатдаги XXI съездини 24 май куни чақиришга қарор қилди.

Пленум қатнашчилари Тожикистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг республика Министрлар Совети Раиси И. Х. Ҳаёевнинг Марказий Комитетнинг 16 февраль куни бўлган пленумидаги аризасини текшириш натижалари тўғрисидаги ахборотини ҳам муҳокама қилдилар. Ўша фожиали кунларда, деди у, бир гуруҳ масъул ходимлар Министрлар Советининг Раисини ғайриқонуний йўл билан лавозимидан бўшатишга уриндилар. Ушбу ишга алоқадор коммунистларга қатъий принципиал партиявий баҳо берилди. Жумладан, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, давлат план комитетининг раиси Б. Б. Каримов ва республика маданият министри Н. Табаров партиядан ўчирилди.

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАНИ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиуми чет мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларга раҳбарлик қилиш комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисни комиссия раиси, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ш. Р. Мирсаидов олиб борди.

Мажлисда республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг «Узводзарубежстрой» республика бирлашмаси катта ташқи иқтисодий фаолият олиб бораётганлиги таъкидланди. Бирлашма олтита ривожланаётган мамлакатда сув хўжалиги иншоотлари юзасидан тузилган шартномаларни амалга ошира бориб, ўтган йили саккиз миллион сўмликдан ортиқ иш бажарди. Бироқ олинаётган фойда ҳали етарли эмас. Бирлашма раҳбарияти чет элларга юборилаётган мутахассисларни, айниқса маҳаллий миллат кишилари орасидан кадрларни танлашга, уларни қайта тайёрлашга ва малакасини оширишга кам эътибор бермоқда. Чет элларда ишлаётган кишиларга яшаш ва дам олиш шароитини яратишга катта эътибор бериш зарур.

Республика Маҳаллий саноат министрлиги, дейилди мажлисда, Австриянинг «Агротек» фирмаси билан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган қўшма корхона ташкил этиш ҳақида битимга эришди. Австрияликлар ушбу битимга мувофиқ, оммавий эҳтиёж буюмлари, шу жумладан тикувчилик буюмлари ишлаб чиқариш учун зарур махсус ускуналар ва бутловчи ашёлар етказиб берадилар. Ҳар йили бундай моллардан икки миллион сўмлик ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Олинган фойда шериклар ўртасида ҳар бир томоннинг ҳиссасига қараб тақсимланади. Комиссия бу ташаббусни маъқуллади. Маҳаллий саноат министрлигининг Япония фирмаларининг бири билан муқобил битим тузиш тўғрисидаги иккинчи таклифи ҳар томонлама муҳокама қилинганидан сўнг бундай шартнома ўзаро фойдали бўлиши учун қайта кўриб чиқиш таклиф этилди.

Бразилия Федератив Республикасининг Сеара штати билан, Сан-Томе ва Принсипи Республикаси билан бевосита алоқаларни йўлга қўйиш имкониятлари муҳокама қилинди.

Комиссия министрликлар ва идораларнинг зарур моллари ва ускуналар сотиб олиш учун валюта ажратиш тўғрисидаги аризаларини муҳокама қилди. Ногиронлар, энг аввало жабрланган «афғонистонлик» жангчилар ва ногирон болалар учун аравалар сотиб олишга катта пул ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети радиоэшиттиришлар ҳамда телекўрсатувларни ўз вақтида самарали олиб бориш, эшиттиришлар ва кўрсатувлар сифатини яхшилаш мақсадида замонавий аппаратларни сотиб олиш учун зарур маблағ ажратилди.

Сўнгги вақтларда хорижий фирмалар хом ашё ресурслари, айниқса пахта ва пахта чиқиндилари, ипак чиқиндилари мўл бўлганлиги сабабли Ўзбекистонга катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Лекин айрим бирлашмалар, министрликлар ва идоралар муқобил битимлар тузиб, бугунги куннигина кўзламоқдалар, истиқбол тўғрисида жиддий бош қотирмаяптилар. Министрликлар, идоралар, область ижроия комитетларининг раҳбарларига пировард маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни ташқи бозорда сотиш учун қўшма корхоналар қуриш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Масалан, республикада пиллани дастлабки қайта ишлаш жараёнида 550 тоннага яқин қора пўчоқ ва 200 тонна брак ҳосил бўлади. Одатда ушбу хом ашё матлубот кооперацияси ва область ипак ишлаб чиқариш бошқармалари орқали арзон нархларда хорижий мамлакатларга сотилиб келинар ёки бошқа республикаларга қайта ишлашга юборилади. Фарғона областида меъёрига етмаган пиллани ўрашни йўлга қўя олдилар. Комиссия бу масалани ҳар томонлама муҳокама қилганидан сўнг хом ашёни шу жойнинг ўзида ишлаш фойдалироқ, деган хулосага келди. Фарғона область ижроия комитетининг 350 тонна пилла чиқиндисини область корхоналарига ажратиш тўғрисидаги илтимоси қондирилди. Бу шу йилнинг ўзидаёқ пиллани қайта ишлайдиган мавжуд корхоналарни тўла қувват билан ишлатишга, истиқболда эса 37 миллион сўмликдан кўпроқ юқори сифатли шойи газламаларни қўшимча равишда ишлаб чиқаришга имкон беради. Айни вақтда етти минг киши иш билан таъминланади.

Комиссия мажлисида ташқи иқтисодий алоқаларга доир бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

(ЎзТАГ).

ДУРКУН ҚЎЗИЛАР

Мана, орзиқиб кутилган дамлар ҳам етиб келди. Чўпончўлиқлар қўзилатиш мавсумини жадал суръатлар билан олиб бормоқдалар. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, қаердаки иш аввалдан пишиқ-пухта ташкил қилинган бўлса ўша ерда қўзилатиш мавсуми шунчалик тез ва сифатли ўтказилаётир. Республикамизнинг илғор қўйчилик хўжаликлари ходимлари мана, бир неча йилдирки, совлиқларни эрта қўзилатишга эришмоқдалар. Бунинг фойдали томони шундаки, эрта туғилган қўзилар ерда яшил майсалар пайдо бўлгунча анча кучга тўлиб қолади. Оғзи кўкка теккач, саратоннинг жазирама кунларигача анча дуркун бўлиб ўсади. Шунинг учун ҳам бу ишни эрта амалга оширган коллективлар ютуқларга эришиши тайин.

Фарғона область Фарғона районидаги В. И. Ленин номли колхоз чорвадорлари ҳам қўйларни эрта қўзилатиш ҳадисини олишган. Бу гал ҳам шундай бўлди. Қўзилатиш мавсуми муваффақиятли якунланди. Ҳар юз бош совлиқдан 104 тадан дуркун қўзи олинди. Зеро хўжаликда мавсумга яхши ҳозирлик кўрилганди. Куздаёқ мўл озуқа тўпланди, жониворларга қиши билан сервитамин озуқалар берилди. Бу ўз-ўзидан ишнинг муваффақиятини таъминлади.

Суратда: (чапдан ўнгга) хўжалик зоотехниги А. Эгамбердиев, бош чўпон Р. Исмоилов, Фарғона район агросаноат бирлашмаси кенгашининг бош зоотехниги С. Ҳамробоев ва бош чўпон А. Амирбеков.

Ш. АЛИМОВ олган сурат (ЎзТАГ).

АХБОРОТ

Байрам дастурхонига

◆ Термиз районидаги «Намуна» колхози сабзавотчиликка ихтисослашган бўлиб, унда карам, помидор, бодринг бошқа хўжаликлардагига нисбатан анча эрта етилади.

Намуналиклар январь ойидан бошлаб, плёнка остида сабзавот кўчатларини экишга киришганлар. Улар 1 Май байрами дастурхонига кўк пиёз, турли ошкўклардан тортиб, бодрингу помидорга қадар — жами ўн хилдан кўпроқ маҳсулот етказиб бериш ниятида.

Беминнат дастёр

◆ Шўрчи районида кооператив ва якка тартибда уй қурилишини мужассамлаштириш бошқармасини ташкил қилишган. Мақсад узоқ йиллардан буён лойиҳасиз бинолар қуришга барҳам бериш. Хўжалик ҳисобидаги бу ташкилотга буюртмалар туша бошлади. Буюртмага кўра, уй-жойнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланмоқда. Бошқарма банкдан қарз олишда, қурилиш материалларини тайёрлаш ва ҳатто томорқа ажратишда меҳнатчиларга кўмаклашмоқда.

Н. ҲАЙИТҚУЛОВ.

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Покистон ислом партиясининг парламент делегацияси Ўзбекистон билан танишди.

Меҳмонлар бир қанча меҳнат коллективлари ҳузурига боришди, Самарқандга сафар қилишди.

Делегация раҳбари Малик Мерож Холид Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида бўлган суҳбатда Совет Иттифоқидаги қайта қуриш, Покистонда рўй бераётган ижобий демократик ўзгаришлар Покистон билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш учун катта имконият яратаётганлигини таъкидлади.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисидаги Қонунининг ижроси

ЎЗУККА КЎЗ ҚЎЙГАНДЕК БЎЛСА...

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгач, бу тилни сарфу наҳв (грамматика) жиҳатидан ҳам, луғат томонидан ҳам қайта кўриш, уни ривожлантириш, бойитиш, ўзбек тили табиатига тўғри келмайдиган сўз ва атамалардан тозалаш, уларни янгилари билан алмаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим масала бўлиб турибди. Ўзбек тилига оид луғатларни кўздан кечириш шуни кўрсатадики, яқин ўтмишда ўзбек тили чет тиллар, хусусан Европа тилларидан олинган атамалар билан кўмиб юборилган. Бу фан ва маданиятнинг, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ҳамма соҳаларига тегишлидир. Бўлар-бўлмасга чет тиллардан тайёр атамаларни кўчираверишнинг ҳеч бир тилга шараф келтирмайди. Бу маънода секинаста айрим атамалар устида жиддий ўйлаб кўриш, уларни ўзбек тилида бор ёки шу тилга яқин сўзлар билан алмаштириш, миллий атамаларни фаолроқ қўлланиш вақти келди. Бизнингча, автор, проза, поэзия, портрет, эстетика атамалари ўрнига **муаллиф, наср, назм, сурат, нафосат** каби сўзларни изчил қўллаш керак. Зарур бўлган ўринларда янги атамалар ясашга уриниш ҳам жоиз. Масалан, Шарқда, шу жумладан ўзбек адабиётида кўп асрлар давомида ғазал, рубоий, муҳаммас, туюқ ва бошқа шаклларда шеърлар ёзиш ривожланди. Биз шу шеър турлари ҳақидаги тушунчани умумлаштириб, кўп вақт «лирика» деб атаймиз. Бу термин келиб чиқиши нуқтаи назаридан юнон адабиёти ва тили билан боғланади. Наҳот унинг ўрнига бошқа бир атамани ясаш, қўлланиш мумкин эмас? Биз «лирик шеър», «лирика» атамалари ўрнига **«дилрабо шеър», «дилрабо шеърият»** деган атамаларни қўлланишни тавсия қилган бўлур эдик. Худди шунингдек, «классик адабиёт» дегандаги «классик» сўзини **«ўз ўрнини топган», «қабул қилинган»** деган маънодаги **«мутақаббил»**, «характер» сўзини **«тинат»** (масалан, яхши одам ҳақида «поктинат» дейиладику!), «образ» сўзини **«тимсол»** сўзлари билан алмаштириш ўринли ва мақбулроқ.

Масалан, «бункер» ўрнига **«қопчиқ»**, «монолог» ўрнига **«якканутқ»**, «альтернатив» ўрнига **«муқобил»**, «абзац» ўрнига **«хат боши»**, «аспирант» ўрнига **«илмжў»**, «телевизор» ўрнига **«ойнажаҳон»** қўлланса, бунинг нимаси ёмон?!

Бизда русча «басня» ўрнида «масал» атамаси қўлланиши ҳам тўғри эмас. Чунки «масал» арабча сўз бўлиб, «мақол» деган маънони билдиради, «Зарбул—масал» «Мақоллар тўплами» дегани. Унинг ўрнига **«тамсил»** сўзини қўлланиш маъқулроқ. «Тамсил» деб Шарқ адабиётида бир фикрни мақол, мисол келтириш йўли билан асословчи ҳикояга айтилади.

Ана шу мулоҳазалардан келиб чиқиб, қуйида ҳозирги ўзбек адабий тилида мавжуд бир неча атамаларни биз янги ёки кам қўлланилаётган атамалар билан алмаштиришни таклиф қиламиз ва ҳурматли газетхонларни бу ҳақда ўйлаб кўришга даъват этамиз. Атамаларимиз узукка кўз қўйгандек чиройли ва бежирим бўлса.

А. ҲАЙИТМЕТОВ,
ЎзССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг бўлим мудири, филология фанлари доктори.

Атамалар бурчаги

абзац — хат боши	венгр—можор	заявка — талабнома	масал — тамсил	ремонт — таъмир
альтернатив—муқобил	витрина—кўргазма	идеал — туборзу	масштаб — миқёс	Ренессанс — ўйғониш
антология — тазкира	вимпел—байроқча	идеология — мафкура	мебель — ёғоч буюм	рентабелли — фойдали
архаик — қадимий	Венера — Зуҳра	календарь — йилнома	медикамент — дори-дармон	сатира — ҳажв
артист—санъатчи	газета—ўўзнома	каллиграфия — хаттотлик	мемуар — эсдалик, ёднома	Сатурн — Зуҳал
аспирант — илмжў	гимн—мадҳия	канон — қонда	метонимия — киноя, кўчим	синтаксис — нутқ илми
астрономия—фалакиёт	гриммчи—пардозчи, машшота	классик — мутақаббил	монолог — якканутқ	стиль — услуб
археолог—қадимшунос	гипнозист — кўзбўямачи	классификация — тасниф	морфология — сўз илми	сюжет — воқеот
археология —қадимшунослик	грамматика — сарфу наҳв	контакт — боғланиш	образ — тимсол	телевизор — ойнайи жаҳон
архаизм — қадимийлик	декларация — ахборотнома	конфликт — зиддият	повесть — қисса	традиция — анъана
архив — ҳужжатгоҳ	демагог — сохтагўй	копия — кўчирма	поэзия — назм, шеърият	фонетика — товуш илми
аудитория—хона	дотация — нона	критерия — мезон	портрет — сурат	характер — тинат
байдарка — енгил қайиқ	деталь — бўлак	лейтмотив — бош ғоя	поэтика — адабиёт назарияси	эстетика — нафосат
бункер—қопчиқ	жанр — тур	лирик — дилрабо	проза — наср	юмор — ҳазил, мутойиба
вакант—бўш	зажигалка — ўтолгич	лирика — дилрабо шеърият	проспект — шоҳроҳ	Юпитер — Муштарий
вакансия—бўш жой		Марс — Миррих		

«Совет Ўзбекистони» «Наврўзнома»си

НАВРЎЗЖОН

Шўхлан кўнгул, адодур қиш қамали,
Чеҳра очди шамсиянинг ҳамали,
Табиатда гуллаш фикри, амали,
Мавсумларнинг тақсимоти чамали,
Қошу кўзлар ранглардин бежамали,
Осмони кўк камалакли Наврўзжон,
Сочпопуклн, жамалакли Наврўзжон!

Ғозлар арқон солиб ўтар ҳавода,
Тебранади лола боди сабода,
Тасаддуқ жон ўз мулкида, маъвода,
Не асрор бор ул мақоми навода,
Сади покка кеч қолмали мабода,
Чўчмўмали, бойчечакли Наврўзжон,
Тўра хотин, келинчакли Наврўзжон!

Ялпиз сомса, кўк чучвара тайёрму,
Сумалаксиз баҳор хуррам баҳорму,
Полвонларда ҳалимисиз қут борму,
Саъва, булбул шу қадар санъаткорму,
Қуш тиликим орифона ашъорму,
Беланчакли, ҳайинчакли Наврўзжон,
Кўйлаклари сим ипакли Наврўзжон!

Сулувнинг сув қовоғида нима бор,
Кўз ёшлари балки киттаккина бор,
Биздан гуноҳ ўтган бўлса — гина бор,
Номардларга мужгон эрмас, игна бор,
Сабзазорда суманбарга хина бор,
Турфа-турфа капалакли Наврўзжон,
Сийнаси тор ҳандалакли Наврўзжон!

Боғ яратиб, бол ялашга не етсин,
Қўш чиққанда тамом тандин дард кетсин,
Дийдорлашув ёруғ кунлар бахш этсин,
Хоразмлик созчи халфа даф чертсин,
Султон эмди гулоймини эритсин,
Урфан эзгу, энг ўрнакли Наврўзжон,
Даҳр боғинда кўрнакли Наврўзжон!

Султон АКБАРИЙ.

Айёмни мадҳ этиб... Б. ЮСУПОВ сурати. (ЎзТАГ).

● НАВРЎЗНИНҐ ШОҲ ТАОМИ
● СУМАЛАКНИ ҚАЧОН СУЗАДИЛАР?
● МАҲМУД ҚОШҐАРИЙ: «СУМА — ИВИТИЛГАН БУҐДОЙ...»
● АРПА СУВИ — ТАНГА ШИФО
● БУҐДОЙ МАЙСАСИ — ЯХШИЛИК ДАРАКЧИСИ
● «СУМАЛАК БЕВИТИ» — ҚАДИМИЙ УДУМ

● Қадримиз, қадриятларимиз

БАРАКА РАМЗИ

Халқимизнинг ана шу ардоқли шодиёнаси Наврўзни сумалаксиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, сумалак — Наврўзнинг шоҳ таоми, илк кўклам даракчиси, барака, ҳосилдорлик, тўкин-сочинлик, тан сиҳатлик ва эзгулик тимсолидир.

Кексалар суҳбатига қулоқ тутсангиз, «Ҳафтада бир, ойда бир, йилда бир» деган нақлни эшитасиз. Бунинг маъноси «ҳафтада бир марта яхшилаб ҳордиқ чиқариб, ойда бир ҳаммомга тушиб, йилда бир марта сумалакка тўйган одам сира касалга чалинмайди» деганидир.

Маросимшунос олим У. Қорабоев сирдарёлик Гулсум момо Махти қизидан ёзиб олиб, оммалаштирган бир афсонада сумалакнинг пайдо бўлиши баҳорий удумларимизга алоқадорлиги тасвирланган.

«Бир деҳқон баҳор келиши билан уруғликка олиб қўйган донини сувга ивитиб қўйибди. Бирдан ҳаво бузилиб, ёмғир ёға бошлабди. Буғдой ивитилган идишда ниш уриб, ўса бошлабди, об-ҳаво эса ҳадеганда очилавермабди. Шунда деҳқон бобо бола-чақаси оч ўтирган пайтда «Ивитиб қўйилган дон барибир нишлаб кетди, увол бўлмасин, бирон нарса пишира қолайлик», деб ўйлабди. Бу пайт буғдой майсаси анча бўй чўзиб қолган экан. Деҳқон бобо ниш урган ва анча бўй кўтарган донни қиймалабди-да, кампирига бериб:

— Бундан болаларга бир нима пишириб бера қол, барибир нишлаб кетди, энди экиб бўлмайди, увол бўлмасин, — дебди.

Кампир буғдой майсасини қозонга солиб, узоқ вақт қайнатибди, охири безор бўлиб, қозон қопқоғини бекитиб, ухлагани ётибди. Кампир азонда қопқоқни очиб кўрса, ажойиб ҳид димоғига урилибди. Татиб кўрса, жуда мазали экан. Бу таом ҳаммага ёқиб қолибди.

Айрим жойларда сумалакнинг келиб чиқишини диний афсоналарга боғлаб изоҳлайдилар. Хусусан, қашқадарёлик халқ бахшиси Ҳазратқул Худойберди ўғлининг айтишича, қўғирот уруғига мансуб ўзбеклар удумига кўра, ҳар йили кўкламда 4—5 килограмм буғдойни ундириб, туйиб, шарбати олинган. Бир қозонга ўша шарбатни солиб, ун аралаштириб бир кеча-кундуз қайнатганлар ва сумалак пиширганлар. Бу таом «Биби Фотиманинг оши» деб аталаркан. К. А. Задихина, Т. Қиличев каби олимларнинг фикрларига қараганда, хоразмликлар ҳам сумалакка Биби Фотима бош-қош бўлиб туради, агар тонг отар маҳали сумалакка беш бармоғини урмаса, у қиёмига етиб пишмайди, деб ирим қилишаркан.

Маълумки, сумалакка туз солинмайди, ҳатто сумалак ҳақидаги топишмоқда ҳам («Тузсиз пишган ошни кўрдим») шунга ишора бор. Сумалакка туз солинмаслиги ва унинг қуёш чиқар палласи сузилиши аслида аждодларимизнинг қандайдир қадимги удумларига алоқадор. Бу удумлар аллақачонлар унут бўлиб кетган, натижада одамлар сумалак пишириш билан боғлиқ бу анъаналарнинг маъносини афсонавий тарзда тушунтира бошлаганлар. Нақл қилишларича, тонгга яқин сумалакни ковлаётган момоларни уйқу элитиб, улар пинакка кетган пайтда осмону фалакдан учиб келган малойикалар қозонга туз ташлаб кетишармиш. Бу ҳам бир афсона, холос. Жуда қадим замонларда яратилган анъаналар даврлар ўтиши билан ўзгариб, баъзилари унутилиб, бошқалари янгиланиб бораверади. Сумалакнинг тузсиз пишиши билан боғлиқ эътиқодий қарашлар унутилгандан сўнг, одамлар бу одатни илоҳий мўъжизаларга боғлаганлар. Аслида сумалак пишириш удуми Ўрта Осиё халқларининг исломдан бурунги анъаналари сирасига киради.

Табиийки, «сумалак» сўзининг маъноси ва бу ғаройиб неъматни тайёрлаш удумининг тарихий асослари кўпчиликни қизиқтиради.

XV асрнинг буюк тилшуноси Маҳмуд Қошғарий ўзининг «Девону луғотит турк», яъни «Туркий сўзлар девони» китобида ёзишича, «сума—ивитилган буғдой номи. Уни қуритиб туйилади. Сўнг ундан угра оши ва нон қилинади. Шарбат учун қилинган, ундирилган арпа учун ҳам бу сўз қўлланилади».

Шунга кўра, «сумалак» ивитилган буғдой ёки арпа маъносини англатувчи қадимги туркий калом —«сума»дан келиб чиққан, сумалак пишириш удуми эса Ўрта Осиёда яшаган қадимги туркий қавмлари орасида кенг расм бўлган, деб хулоса чиқариш мумкин. Юртдошимиз Абу Райҳон Беруний ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида келтирган бир афсона сумалак пиширишнинг тарихини янаям ойдинлаштиргандай бўлади...

«Наврўз тонгида Бушанж (Хуросондаги шаҳар) тоғида бир бойлам гиёҳ тутган киндамас бир киши кўринади. У бир соатча пайдо бўлиб, келгуси йил шу вақтгача ғойиб бўлади», дейдилар. Задавайҳ ўз китобида айтишича, бу ҳодисага сабаб, қуёшнинг жанубий томондан, яъни афохтардан чиқиши бўлган. Чунки лаънати Иблис баракатни кеткизаверганидан кейин, одамлар овқат ва ичимликдан бош кўтармаганлар, аммо тўймаганлар. У шамолни ҳам эсишдан тўхтатган, натижада дарахтлар қуриб, дунё ҳалок бўлишига яқинлашган. Шунда худонинг амри ва йўл кўрсатиши билан Жамшид Иблис ва унинг ёрдамчилари турган жойни мўлжаллаб, жанубий томонга борган ва то баракатсизликни кеткизгунича бир қанча вақт ўша ерда қолган. Одамлар яна мўътадил (ҳолатга), баракат ва фаровонликка қайтиб, балодан қутулганлар. Шу вақт Жамшид дунёга қайтиб, шу куни қуёшдек чарақлаган ва ундан нур таралиб турган, чунки у қуёш сингари нурли экан. Одамлар иккита қуёш чарақлаб турганидан ажабланганлар. Ҳамма қуриган чўплар кўкарган ва одамлар «Рўзи нав», яъни «янги кун» деганлар. Ҳар ким баракатга эришмоқ учун тос ёки бошқа идишларга арпа эккан. Кейин подшолар саройининг саҳни атрофига етти хил дондан етти тахта экиш расм бўлиб қолган. Буларнинг униб чиқишига қараб, шу йил ғаллаларнинг дони тўқ ёки пуч бўлиши тахмин қилинар экан».

Маълум бўлишича, дастлабки вақтларда сумалакни буғдойдан эмас, балки... арпа майсасидан қилишган экан. Маҳмуд Қошғарий «шарбат учун қилинган, ундирилган арпа учун ҳам» сума сўзи қўлланилишини алоҳида таъкидлаган бўлса, Беруний ҳикоя қилган афсонада одамлар «баракатга эришиши учун тос ёки бошқа идишларга арпа эккан»лиги тасвирланади.

Умар Хайём қаламига мансуб «Наврўзнома»нинг арпа зикрига бағишланган бобида айтилишича, қадимги Эрон шоҳлари арпа майсасини яхшилик аломати сифатида эъзозлаганлар. Чунки арпа бошқа донли экинлардан барвақтроқ етилади, ҳатто «арпа қирқ кунда омбордан омборга тушади» деган нақл ҳам мавжуд экан. Эронликлар ой тутилган тунда экилган арпа донидан руҳий хасталар шифо топади, тўлин ой нур таратиб турган кечаси экилган арпа дони билан отлар боқилса, улар семириб кетади, арпа майсасини қайнатиб ичган одам дармонсизлик дардидан фориғ бўлади деб ирим қилишаркан. Деҳқонлар эса эрта баҳорданоқ арпа майсасининг ҳолатига қараб туриб, куз қандай келишини тахмин қилишаркан.

Умар Хайём арпа майсасининг хосияти ҳақида қуйидаги афсонани ҳам келтиради: Кунлардан бир кун Хурмуз арпа экилган дала ёнидан ўтиб қолибди. Илк баҳор чоғи, арпа майсалари анча бўй тортиб қолган экан. Деҳқон арпасини суғормоқчи бўлиб, ариқ даҳанасини даласига тўғрилаб қўйган экан, арпапоя сувга тўлиб, уватидан ошиб, йўлга тошиб кетаётган экан. Буни кўрган Хурмуз арпапоядан оқиб чиқаётган сувдан бир кўза тўлдириб олишни буюрибди. Мулозимлар унинг айтганини бажо келтиргач, сўрабдилар:

— Арпа ичидан тошиб келаётган сувдан олишингизнинг боиси недур?

Шунда Хурмуз:

— Арпа табаррук дон, унинг майсаси эса баракат рамзидир. Кимда ким эрта кўкламда арпа майсалари орасидан оқиб ўтган сувдан ичса, чарчоғи ёзилади, ошбор, Ҳатто сумалак учун ундирилган буғдой майсасини табаррук билиш анъанасининг излари ҳам сақланиб қолган. Сумалак пишираётганда фарзанд кутаётган ёки бефарзанд аёлларга буғдой майсаси берилади, улар майсани зираги ёки қулоқларига тақиб қўядилар. Бу билан келаётган янги йилда фарзандли бўлишни орзу қиладилар. Суннат қилинмаган болалар тезроқ улғайиб, вояга етсинлар учун уларнинг чопонларига ҳам майса тақиб қўйилади. Сумалак тагига олмасин деб қозонга солинадиган тош ёки ёнғоқлар сонининг ўзига хослигида ҳам халқимизнинг қадимий анъаналари кўзга ташланади: ургутликлар сумалак қайнаётган қозонга еттита ёнғоқ ва ўн учта тош ташлайдилар. Чунки Шарқ халқлари азалдан ўн уч ададига амал қилганлар.

Сумалак пишираётганда момолар, қиз-жувонлар тўпланишиб ўйин-кулгу қилишар, байт-ғазаллар айтиб, кўнгилларини хушнуд этишаркан. Фольклоршунос Т. Қиличев Хоразм воҳасида сумалак сайли билан алоқадор «Ашшадарози» ўйини мавжудлигини аниқлади ва кекса ижрочилар кўмагида унинг тўла текстини тиклашга эришди. Биз 1986 йилда ЎзССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг фольклор экспедицияси составида Бухоро вилоятининг Қоракўл ноҳиясидаги «Бухоро» колхозида бўлганимизда Вахим қишлоғида сумалак билан боғлиқ жуда қадимий анъаналардан бирига дуч келдик.

1916 йилда туғилган Дурсун момо Ўраеванинг айтишича, сумалак учун ундирилган буғдой майсасини келида туйиб, шарбати олинаркан. Кейин ўша шарбатдан озгинасини бир кўзачага солиб, қиз-жувонлар даврасига қўйишар, сумалак сайлига келган қиз-жувонлар ўзларининг бирорта нишоналари—зирак, узук ёки бошқа белгили нарсасини шу кўзачага ташлашар экан. Сўнгра уч яшар бола кўзачага қўлини тиқиб, ҳалиги нарсаларни битта-битта чиқариб, эгаларига берар, кимнинг нишони чиқса, чечан момолар ўша қиз, келинчак ёки аёлга атаб тўрт қатор қўшиқ айтишаркан. Бу удумни вахимликлар «Сумалакнинг бевити» дейишаркан. «Бевит» сўзи «ҳузур-ҳаловат», «обод жой», «эзгулик», «яхшилик» маъноларини англатади.

«Сумалак бевити»да аслида наврўз неъмати пиширилаётган эзгу дамларда сайл иштирокчилари шанига яхши тилак билдириб қўшиқ айтилган бўлса керак. Лекин ҳозир уларнинг кўплари унутилиб кетган бўлиб, момолар одатда кўзачадан узуги чиққан қизга бағишлаб бирорта лирик тўртлик айтиб қўя қолишади. Қуйида вахимлик Дурсун момо Ўраева, Мунаввар Имомова, Норгул Авезовадан ёзиб олинган «Сумалак бевити»дан айрим намуналарни эътиборингизга ҳавола қиламиз:

Қўлимда узугум
бурмасанг-а,
Қайрилиб йўлларимда
юрмасанг-а,
Қайрилиб йўлларимда
юрганингда
Келибон тутунимда
турмасанг-а.

Қошингнинг қароси айлона
келган,
Мажнунтол соясида
рўпара келган,
Мажнунтол сояси—сойнинг
бутоғи
Жуда ёмон бўлар экан
ёрнинг фироғи.

Қизил гул тагида
ювма бошингни,
Қуралай кўзингдан тўкма
ёшингни.
Қуралай кўзингдан
тўксанг ёшингни,
Оламан-кетаман ёлғиз
бошимни.

Сумалак сайлида айтиладиган бундай қўшиқлар жуда кўп. Уларни тўплаш, сумалак билан боғлиқ фольклор намуналарининг мукаммал тўпламини тузиб, чоп эттириш лозим.

М. ЖУРАЕВ,
филология фанлари номзоди.

● Тошкент Давлат дорилфунунининг 70 йиллиги олдидан

Қалдирғочлардан бири

Тошкент дорилфунуни деганда, юзлаб ёрқин сиймолар тақдири кўз ўнгимизда намоён бўлади. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Тошмуҳаммад Саримсоқовнинг «Ҳаёт довонлари» номли оммавий-биографик асарининг дорилфунун юбилейи арафасида чоп этилиши рамзийдир.

У рус тилини мукаммал билиши туфайли устозлар, хусусан, математика фанида мактаб яратган олим В. И. Романовский диққатини жалб этди. 24 ёшида фан номзоди, доцент бўлди. Ёш олим илмий тадқиқотларни сира сусайтирмади, ўзи фан номзоди бўла туриб, Қори Ниёзийнинг докторлик диссертациясида оппонент сифатида қатнашди. Олим йигирма саккиз ёшида физика-математика фанлари доктори илмий даражасини олди.

«Ҳаёт довонлари» китобида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг таъсис этилиши, биринчи академик ва мухбир-аъзолари ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган. Агар ўзбек олими докторлик диссертациясини ҳимоя қилгунча асосан математиклар, физиклар даврасида танилган бўлса, янги таъсис этилган академиянинг вице-президенти бўлиб тайинланиши биланоқ барча фан намояндалари билан ҳамкорлик қила бошлади. Олим Ойбек, Т. Ўрозбоев, С. Айний, Ҳ. Олимжон, А. Қаҳҳор, Ҳ. Абдуллаев сингари ўз соҳасининг ёрқин сиймолари ҳақида завқ-шавқ билан ҳикоя қилади.

Олим Тошкент университетида, Фанлар академиясида, Олий таълим министрлигида ишлади. Ректор, президент, министр Т. Саримсоқов Ўзбекистон жумҳуриятининг барча муаммоларини чуқур англади, уларни бартараф этишга интилди. Олим ўз устозлари, шогирдлари, ҳамрозу ҳамкорларини эслайди.

«Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Ҳаёт довонлари» китобида Т. Саримсоқовнинг ажиб сайёҳ эканлиги ҳам киши кўз ўнгида намоён бўлади. Олим бутун умри давомида тоғу тошларни яёв кезади. Ўрта Осиёда, Китобда сайёҳлик машаққати, завқи ишонарли тасвирланган. Олимнинг Помирга саёҳати, тучкак касали ҳақидаги маълумотлари, тоғ қўтослари ҳақидаги ҳикоятлар, «Жаҳон томи» — Помирдаги кўлу дарёлар ҳақидаги тасвирлар кишини ром этади.

Т. Саримсоқовнинг ўзбек фанининг элчиси сифатида Осиё, Африка, Европа мамлакатларига қилган сафарларни мароқ билан ўқилади. Олим қайси юрт, қитъада бўлмасин, уни совет фани намояндаси, ўзбек элининг вакили сифатида қаршилайди. Олим Ҳиндистонга уч бора сафар қилганини ёзади.

Тошмуҳаммад Саримсоқов — Тошкент дорилфунунининг илк қалдирғочларидан бири. Унинг олим сифатидаги парвози ниҳоятда юксак: элларга, юртларга, қитъаларга Совет Ўзбекистони фанининг ютуқларини кўз-кўз қилди.

Г. АҲМЕДОВА,
В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети ўзбек тили кафедрасининг ўқитувчиси.

● Спорт

ОИЛАВИЙ КОМАНДА

Хонқа районидаги Охунбобоев номли колхозда спортчилар оиласи бор. Сафарбой Раимов ўғил-қизларига спортнинг кўпгина турларига, хусусан, шахматга қизиқиш уйғотди. Улар футбол, баскетбол, волейбол ва миллий кураш бўйича машғулотларда қатнашадилар. Ўғиллар — Ҳакимбой, Сардор, Умид ва Хуршидлар мактаб чемпионлари бўлишган. Район ва область биринчиликларида қатнашадилар. Яқинда улар «Қувноқ стартлар» республика мусобақасида ҳам баҳслашдилар.

Суратда: спортчилар оиласи навбатдаги машғулот олдидан.

Р. АЛЬБЕКОВ тасвири.

ФУТБОЛ:

ЯНА «ПАХТАКОР»ДА

Мавсумга қизғин ҳозирлик кўраётган пахтакорчиларга раҳбарлик қилаётган устозлар сафи тўлди. Узоқ йиллар пахтакорчилар сафида тўп ўйнаб, довруқ таратган таниқли футболчи Биродар Абдураимов команда бошлиғи этиб тайинланди. Шундай қилиб РСФСРда хизмат кўрсатган тренер Федор Новиков, республикада хизмат кўрсатган тренер В. Борисов, футбол ўйинини илмий-назарий жиҳатдан асослаш бўйича тренер, педагогика фанлари номзоди А. Толибжонов ва спорт мастери Б. Абдураимовлар пахтакорчиларга раҳбарлик қилишмоқда.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

● Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ

Ўрта Осиёда олий малакали иқтисодчи кадрлар тайёрловчи регионал марказ ҳисобланади. Институтни битирган мутахассислар республикамиз халқ хўжалигининг барча соҳаларида меҳнат қилишмоқда. Институт яқиндан бошлаб корхоналар, ташкилотлар, колхозлар ва совхозлар билан тўғридан-тўғри шартномалар асосида янги иқтисодий ихтисослар бўйича

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШГА ЎТДИ

Студентларга маркетинг асослари, менеджмент, халқаро иқтисодий муносабатлар ва иқтисодий информатикадан таълим берилади.

Институт ўз ҳисоблаш марказига эга ва унда талабалар иқтисодий информатика ва компьютерлаштириш жараёнларига ўқитилади.

Институтда таълимнинг кундузги, кечки ва сиртқи формалари ва тайёрлов бўлимлари мавжуд.

Халқ хўжалиги институти кадрлар тайёрлашни қисқартирилган программа асосида амалга оширади ва суҳбатдан ўтказиш асосида ўқишга қабул қилади.

● Реклама ва эълонлар

Қуйидаги ихтисослар бўйича иқтисодчи кадрлар тайёрланади:

Халқ хўжалигини планлаштириш,
Саноат иқтисодиёти ва уни планлаштириш,
агросаноат комплекси иқтисодиёти ва уни планлаштириш,
иқтисодиёт ва меҳнатни ташкил этиш,
иқтисодиёт ва меҳнат ресурсларини бошқариш, иқтисодиёт ва меҳнат социологияси,
табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти ва атроф муҳит муҳофазаси,
халқаро валюта-кредит муносабатлари,
давлат бюджети,
халқ хўжалиги тармоқларининг молияси,
кредит (қарз бериш),
жамғарма ишлари,
нарх-навони белгилаш,
моддий ресурсларни бошқариш ва чакана савдони ташкил этиш,
савдо иқтисодиёти,
савдони ташкил этиш ва бошқариш,
халқаро савдо-сотиқ,

● Реклама ва эълонлар

маркетинг ва чет эл рекламаси,
статистика,
бухгалтерия ҳисоб-китоби, назорат ва ташқи-иқтисодий фаолият таҳлили,
саноатда бухгалтерия ҳисоб-китоби, хўжалик фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш,
халқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоб-китоби, назорат ва таҳлил,
савдода бухгалтерия ҳисоб-китоби, назорат ва таҳлил,
кредит муассасаларида бухгалтерия ҳисоб-китоби, назорат ва таҳлил,
бюджет ва илмий муассасаларда бухгалтерия ҳисоб-китоби,
тафтиш ва назорат,
иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришни бошқариш,
социал соҳада иқтисодиёт ва уни бошқариш,
иқтисодий кибернетика,
иқтисодий информатика ва АСУ.

Институт республикадаги барча ташкилотлар билан кадрлар тайёрлаш юзасидан шартномалар тузишга тайёр.

Манзилимиз: 700063, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон проспекти, 49-уй. Телефон — 45-44-61.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎЛЛАШ МАРКАЗИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«РАССОМ» КОМБИНАТИГА:

тасвирий санъат асарларига буюртмалар уюштириш ва бажарилган ишларни сотиш юзасидан штатсиз ходимлар.

Меҳнатга ишбай тариқасида ҳақ тўланади. Командировка харажатлари умумий асосларда тўланади.

Ҳамма хоҳловчиларни, айниқса кўчиб юриш тартибида иш бажарувчи гражданларни комбинатга таклиф қиламиз.

Мурожаат қилиш учун манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, 2-квартал, 5-уй.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети аппарати жамоаси масъул ходим П. М. Мироқиловга онаси

Қумри ҲАҚНАЗАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институти жамоаси етакчи илмий ходим Р. К. Каримовга онаси

Ўғилой КАРИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-16, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 04123 № 55. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12